

**НАРЗУЛЛА БОТИРОВ**

**АДОЛАТГА  
ТАЛПИНГАН ҚАЛБ**

**Хаётий лавҳалар**


**Қарши  
«Насаф» нашриёти  
2005**

84(54)6-4

Ҳаёт тасодифларга тўла. Лекин донишманд кўзи билан қаралган-  
да ҳар бир тасодифий воқеа ортида мукамал бир қонуният белгила-  
ри мавжуддир. Инсон ҳаёти чигал йўллардан ўтар экан, манзилни  
тўғри белгилаш унинг ўзига боғлиқдир.

Ҳуқуқшунос Нарзулла Ботировнинг ушбу «Адолатга талпинган қалб»  
китобида ана шу мавзулар қаламга олинган.

1021485  
091



НО

Б 376 (05) 2005 356-2005

© Н. БОТИРОВ - 2005 й.

ISBN 5-7323-0505

## НУРГА ИНТИЛГАН ЮРАК



Мазкур китоб ҳуқуқни тарғибот этувчи ҳуқуқшунос-адвокатлар томондан ёзилган ибратли китоб десак муболага бўлмайди. 4000 нафардан ортиқроқ адвокатлар Мустақил республикамызда фаолият олиб боряптилар. Қўлингиздаги китоб адвокатурада кўп йиллардан бери ишлаб келаётган Нарзулла Ботировнинг илк китобидир. У киши умрининг қирқ йилдан ортиқроғини адлия ишлари органлари хизматига сарфлади. Йигирма ёшидан бошлаб шу соҳада ишлаш билан бир қаторда, матбуот билан ҳамкорлик қилиб келаётир. Илк мақолалари "Тошкент оқшоми", "Тошкент ҳақиқати", "Ўзбекистон овози", "Правда Востока" газеталарида "Суд залидан" рўқни остида чоп этилганидан хабарим бор. Агар шу йиллар давомида у кишининг суд жараёнларида қатнашиб, то адолатни юзага чиқармагунча "югурган" жиноят ва фуқаролик ишларини жамласак, ҳеч муболагасиз айтиш мумкинки - яна катта бир китоб бўлар эди.

Биров тўғрисида хулоса чиқариш осон ишмас. Бироқ, мабодо шундай қилиш зарур бўлиб қолса, унинг насл-насабини атрофлича ўрганиш асло зарар қилмайди. Яна бир ҳақиқат шуки, палаги тоза, яхши тарбия кўрган одамлардан ҳеч қачон ярамас фарзанд туғилмайди.

Нарзулла Ботиров ҳам муҳаббат палак ёйган оилада туғилиб, камол топди. У ёшлигиданоқ одамларга эътиборли, тиришқоқ ва билимга чанқоқ бўлиб ўсди. Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани собиқ "Москва" жамоа хўжалигининг Қизилқарвон қишлоғида 1945 йил 9 май - Ғалаба куни таваллуд топиб, "Ҳазрати Довуд" зиёратгоҳи атрофидаги Қизилқарвон, Меҳнаткаш ва Оқсой қишлоқларидаги мактабларда таълим олди. У киши осмонўпар тоғлар салобатига ҳавас билан боқди. Унга тенгсиз иқбол берган замин ҳам, билажларига куч-ғайрат берган, онгини пешлаган ва юрагига жасорат берган замин ҳам шу тоғлар орасидаги қишлоқлардир.

Бу киши ўз ишини яхши биладиган, билимли адвокатлардан. Нарзулла ака босиқ, вазмин инсон. Ҳамма ишга ҳам қўл уравермайди. Аммо қонун бузилган жойда томошабини бўлиб қараб ҳам тураолмайди. Қўлидан келганча адолатни тиклашга ҳаракат қилади.

"Адолатга таллинён қалб" деб номланган ушбу китоб адвокат Нарзулла Ботировнинг ҳуқуқни тарғибот қилиши ва адолатни юзага чиқариши учун кўп йиллик қилган меҳнатларининг маҳсули, десак муболага бўлмайди.

Мазкур китобчани юридик олийгоҳ ва юридик коллежлар талабалари ҳамда барча ҳуқуқшунослар ва кенг китобхонлар оммаси олиб ўқисалар, фойдадан холи бўлмайди. Бу китоб барчангизга манзур бўлади, деган умид-даман.

**А. ЮЛДОШЕВ,**  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ОЛИЙ МАЖЛИСИ ЮРИДИК  
БЎЛИМИНИНГ БОШЛИГИ.

## ҚИЗИЛКАРВОН

Мен учун бу ном жуда ҳам улуғ ва қадрли. Бу қишлоққа ота-онамлар 1945 йилнинг бошида Қашқадарё вилояти Чироқчи туманининг Шўрқудуқ қишлоғидан кўчиб келган эканлар. Ғалаба байрами деб эълон қилинган куни ушбу сатрлар эгаси таваллуд толган.

Мен мактабда ўқиб юрган вақтларимдаёқ ўз қишлоғим тарихи билан қизиққан эдим. Нима учун "Қизилкарвон" деб аталишини билиш ниятим бор эди. Шу саволлар билан отамнинг укаси Ҳайитмахсум бобога мурожаат этганимда, у киши қуйидагиларни айтиб берган эдилар:

-Колхозлар тузила бошлаган йиллар экан. Бизнинг қишлоқ меҳнаткашлари ўзларининг меҳнатлари ҳисобига ғалладан мўл ҳосил етиштириб, от араваларда туман тайёрлов идорасига олиб келишган эканлар. Йигирма чақиримдан ортиқроқ йўлни араваларда эрталабдан тушгача юришиб заготзернога олиб келишган. У ердагилар ғаллани қабул қилишиб, ҳужжатларини расмийлаштиришда бу қайси колхозники деб сўраганларида, аравакашлардан бири колхозимизнинг оти йўқ, шу сабабли бизлар билмаймиз деган.

Ўша ерда колхозга фаол бўлиб юрган киши бу гапларни эшитиб шу номини топган экан. Келинлар, колхозимизнинг отини "Қизилкарвон" деб атайлик деганида ўша ердагилар бу тақлифни маъқуллаган эканлар ва шундай қилиб колхозимизнинг номи "Қизилкарвон" бўлиб кетган экан.

Орадан анча йиллар ўтди. Дарёдан қанча сувлар оқиб кетди. Тоғ ёнбағрида жойлашган сўлим қишлоқ йириклаша бошлади. Ёшлар оила қура бошлаганлар, йигитлар уйланган, қизлар турмушга чиққанлар. Уй қурабошлаганлар. Ўша вақтларда шифер деган нарсалар бўлмаган экан. Уйларининг деворини қуриб битказгач, томига болор, васса қўйилгач, қамиш топиб келишиб ёпар эканлар сўнгра тупроқ чиқариб ва унинг устидан лой сувоқ қилар эканлар. Йиллар давомида сувалган лойлар қалинлашиб, қишдаги қор ва баҳордаги ёмғир томчилари ўтмай қолар экан.

Бир йили баҳор фаслида ёмғир ёғиб, селга айланди, -деб гапни бошлаган эди мулла Кенжа бобо. -Ариқлардан сувлар тўлиб оқди. Кейин ёмғир ўрнига дўл ёгабошлади. Ҳозиргидек эсимда, Осмондан тушаётган дўл томларимизни тешиб кетган эди. Дўл ҳатто уйимизнинг ичига ҳам ўтиб кетган эди. Бизлар бу дўллардан бир нечасини ертўламизда салқин жойда сақладик, уни бир неча кундан сўнг туман ва вилоятдан келган комиссия аъзоларига кўрсатган вақтимизда улар аввал ишонишмади, кейинчалик ёқа ушлаб ҳайрон бўлишган эдилар. Охир- оқибат комиссия аъзолари хулосасига кўра табиий офатдан озор чеккан қишлоғимиз одамларига моддий ёрдам беришган эдилар. "Ҳазрати Довуд" ҳақида икки оғиз Мулла Кенжа бобо қуйидагиларни айтиб бердилар: -Қизилкарвон қишлоғига ота-оналаримиз кўчиб келишганларида мен ёшгина эдим. Бир куни шу қишлоқда яшовчилар узун хода, (чўп), латта, керосин, гугурт олишиб қишлоғимиздан олти-

етти чақиримча узоқликдаги бир ғорга борган эдик. Тоғ устига қараб анча кўтарилгач, бир неча дарахтларга дуч келдик, бу дарахтлар ўзимизнинг pista дарахтига ўхшаш эди. У ердаги дарахтларнинг шохларига кимлардир оқ, қизил, кўк ва бошқа ранглардаги латта-путталарни боғлаб кетишган эканлар. Менинг онам ҳам яхши ният қилиб, ичида бир нималар деб, латта боғлаганини кўрган эдим. Сўнгра бизлар ғорга ўхшаган бир жойга бордик.

Ғор ичига кираверишда бир одам сиғадиган кичкина туйнук бўлиб, у ердан бир амаллаб ўтдик. Навбатма-навбат ғор ичига кирдик. Бу зиёратгоҳ жойнинг ичи жуда баланд экан. У ерда баландлиги 5-6 метрлар чамасида одамнинг қўл изларига ўхшаган изларни кўрган эдик. Ривоят қилишларича Ҳазрати Довуд пайғамбаримиз кимлардандир қочиб шу ерга келган эканлар. У киши энқайиб ернинг тагига кирган эканлар, кейинчалик қаддини ростлаб тикка туриб, тошларни қимйрлатиб ўзларига йўл очиб анча, чамамда 40-50 метрларча юриб борган эканлар. Охирида у киши ернинг қаърига кириб ўзларининг орқаларидан жуда катта ҳарсанг тошни кўйиб кетган эканлар. Машъала ёқиб ғор ичига кирган йигирма чоғли одамлар шу нарсаларни ўз кўзимиз билан кўрган эдик. Шундай қилиб бизлар "Қизилкарвон"ликлар Ҳазрати Довуд пайғамбаримиз қадамлари етган жойни зиёрат қилиб келган эдик, -деб гапларини тугатган эдилар мулла Кенжа бобомиз.

"Қизилкарвон" қишлоғи йиллар давомида ўзгара бошлади. Иккинчи жаҳон урушидан кейин қишлоғимизда бошланғич мактаб ташкил этилган экан. Бу аввал тўрт йиллик, кейинчалик етти, саккиз йиллик ва охирида ўрта мактабга айлантирилган. Шу мактабни тугатган собиқ ўқувчилар ичида бир нечталари илмий ишлар билан шуғулланиб келаётирлар. Жумладан, Ангрен педагогика олийгоҳи ректори ўринбосари, математика фанлари доктори, профессор Тўхлиев Довур ака профессор унвонига эгалар. Самарқанд Кооператив олийгоҳининг домласи Эшпўлат ака Чоршанбиев фан кандидати, доцент. Самарқанддаги Архитектура ва қурилиш олийгоҳида хизмат қилган Раҳмат ака Турсунов ва бошқалар бўлади. Бу қишлоқдан етишиб чиққан кадрлар орасидан врачлар ва тиббий ходимларининг, педагоглар ва бошқа олий маълумотли мутахассисларнинг сон-саногига етаолмайсиз.

Яқинда бир янгилик бўлди. Қишлоғимиз номини ўзгартирдик. Мазкур қишлоқда яшовчилар ўзбек элатининг найман уругидан. Шу сабабли қишлоғимизни "Найманобод"га айлантирдик.

Мен туғилган йили, яъни 1945 йилнинг 9 май кунидан бошлаб, қишлоғимизнинг "Қизилкарвон" деб аталганини биламан, ҳозирда эса ўзгартирлибди. Қайси ном билан аталишдан қатъий назар мен ўзим туғилган қишлоғимни севаман. Таътилга чиққан вақтларим туғилган қишлоғимизга бораман, у ердаги қариндош-уруғлар билан гурунглашаман, тўй-маракаларига қатнашаман.

## ЁШЛИК-БЕБОШЛИК

Иккинчи жаҳон урушидан кейин мактабда ўқиб юрган вақтларимда мен биринчи синфдан бошлаб то ўнинчи синфни тугатгунимча ўн йил давомида синфбоши (синфком) бўлиб ўқиган эдим. Мактабимиз Мичурин номи тўрт йиллик мактаб бўлиб, бир коридор ва икки хонадан иборат эди.

Ўқувчиларнинг камлиги сабабли биринчи синф билан учинчи синф болалари бир синфда ўқир эдик. Хона ичидаги доскамиз иккига бўлинган, ярми биринчи синфга тегишли ва иккинчи бўлаги эса учинчи синфники эди. Синфимиз ичида икки қатор парта қўйилган эди. Иккинчи хонада тўртинчи ва иккинчи синф болалари таълим оларди. Бизларнинг биринчи ўқитувчимиз Иброҳим ака Норқобиллов эди. У кишини ҳаммамиз “малим” деб чақирар эдик. Иброҳим ака олий маълумотли педагог, шу қишлоқда яшарди. Шу сабабли бўлса керак жуда кўп йил мазкур мактабга раҳбарлик қилди. Кейинчалик ёшлари бир жойга бориб қолгач пенсияга чиқиб кексалик гаштини сўрмоқдалар. Ўғиллари невар ва чеваралари бор, қарийиб бир қишлоқдек бўлиб кўпайиб кетишганлар.

“Қизилкарвон”даги тўрт йиллик мактабни тамомлагач, кўшни “Меҳнаткаш” қишлоғидаги етти йиллик мактабга уч йил катнадик. У ердаги мактабимиз номери 14 эди. Шу тобда бир қариянинг биз болаларни ҳақоратлаганини ва карта ўйнаганимизни эсладим.

Момонинг ҳовлиси тош девор билан ўралган. Ичида ҳар хил мевали дарахтлар ўсар эди. Олма, гилос, зардоли (ўрик) ва олча сингари дарахтлари гўжжа-гўжжа бўлиб ҳосил солар эди. Бизлар ҳар куни шу деворнинг ёнидаги йўлакчадан мактабга қатнар эдик. Дарахтлар ҳосилга кирган вақтлари бизлар деворга чиқиб дарахтга осилиб, баъзан хомлай олар эдик, баъзида момо кўриб қолса ура қочар эдик. Турнақатор бўлиб тизилиб тош девор устида турганимизни кўрган момо баъзан қўлларига тош ёки калтак ёғоч олиб бизларни қувлар эдилар. Орқамиздан қўлидаги нарсани отиб қолар, бизлар эса у кишига ушлатмасдан “куён” бўлар эдик. Ҳозиргидек эсимда, момо бир куни бизларнинг олма олаётганимизни кўриб қолиб, ҳай, сен найман болалар, жонимга ҳам тегиб кетдиларинг, деб қувлаган эдилар. Орадан бир-икки кун ўтгач синфга мактаб директори Садин ака Нурмуродов, илмий бўлим мудирини Ҳасан ака ва раҳбаримиз келиб қолдилар. Дарсни вақтинча тўхтатиб бизлар “разбор” бўлдик. Улар ҳаммамизни қагтик қойишди. Шу-шу бўлдию бизлар йўлдан ўтишда момонинг девори орқасидан пўсиб ўтадиган бўлдик. Момо эса бизларнинг ўтаётганимизни сезиб қолса, ҳай сенларни боладимми, директорларингга айтиб бериб, дер эди. Шундай қилиб пишиб етишган ҳосилга тегмайдиган бўлган эдик.

Шу қишлоқдаги ўқувчи болалар Шодиёр Ҳасанов, Келдиёр Ражабов (ёши катта бўлсада бизлар билан ўқир эди), Умбар Тўхлиев (бизлардан бир ёш катта) эди. Ёз ойларининг бирида тўртовимиз тўпланишиб қоғоздан карта ясадик, дарахт соясида карта ўйнаб ўтирган вақтимиз, кўшни бўлиб яшовчи муаллимимиз Урол ака Ражабов шу ердан ўтиб кетаётиб бизларга бир назар солган эди.

Орадан бир неча кун ўтди, мактабда жисмоний тарбия дасрига чиқаётиб деворий газетага кўзим тушди. У ерда биз тўрт нафар ўқувчиларнинг расми карта ўйнатиб чизилган экан. Мен у ердаги шеърни ўқидим. Уйинг куйди Шодиёр, Нарзуллада хулус бор, Келдиёр, сен мўралаб кўй, Умбар, сен бирга кўй, деб бизларни ёмонлаб Ражабов муаллимимиз ёзган эканлар. Мен уялганимдан газетани олиб ташладим, шу бўлдию бизлар карта ўйнамайдиган бўлдик. Уч йил кўшни "Меҳнаткаш" кишлоғидаги мактабга катнаб саккизинчи синфга кўчдик. Энди ўқишни давом эттиришимиз лозим эди. Биз ўғил болалар кишлоғимиздан 6-7 чақирим наридаги Оқсой кишлоғига қатнар эдик. Қиз болаларни эса ота-оналари мактаб узоқ, деб юбормас эдилар. Иложи бўлса уларни турмушга узатар эдилар. "Қизилкарвон" кишлоғидан тахминан ўн нафар ўғил болалар Оқсойдаги мактабга борабошладик. Кимдир эшак минар, кимдир от минар, кимдир велосипед минар эди. Мен кишлоғимиздаги муаллимимнинг мотоциклига мингашиб дарсга борар эдим. Бирор йил қатнаганимиздан сўнг отам менга ҳам мотоцикл олиб берган эдилар. Бу кишлоқда яшовчилар тожик миллатига мансуб эдилар. Урта мактаб шу ерда бўлиб, бошқа кишлоқларимизда йўқлиги учун ўзбек гуруҳи очилган экан.

Ёз ойлари мактабга катнаб ўқир эдим, киш фаслида эса мактабимиз раҳбарияти бизлар учун ётоқхона куриб берган эди. Мактабимиздан узоқроқда бўлсада бу ётоқхонамизда Холмамат ака деган "каттамиз" бор эди. У киши завхоз эканлар. Бизларга ётишга майда-чуйдалар билан таъминлар эди. Ётоқхонада сим кароват, стол, стул, чироқ бор эди, холос. Овқатланиш учун мактабимизнинг буфетидан тамадди қилар эдик.

Шодиёр Ҳасанов дўстимиз ёши мендан каттароқ бўлиб, бизларга ҳар хил ўйинларни, жумладан шашка, шахматларни ўргатар эди. Дарс тайёрлаб бўлгач, ҳар куни шу ўйинларни ўйнар эдик. Бир куни кечқурун у кўлидаги линейка билан чироқнинг шишасини уриб синдириб қўйди. Шу сабабли бизлар дарс қилаолмадик, запас шиша йўқ. Эртаси куни дарсларни тайёрлаганимиз учун ўқитувчиларимиздан дашном эшитган эдик. Бундай қизиқ-қизик воқеалар тез-тез бўлиб турар эди.

### СУД КОТИБИ

Тўққизинчи синфларда ўқиб юрган кезларимда бир қариндошимизнинг иши судга тушган экан. Каникул вақтлари эди. Бир куни у киши уйимизга келиб отамдан бирга бориш учун ўғлингизга рухсат беринг, деб сўрадилар. Икковимиз туман маркази Жума шаҳрига судни излаб кетдик. Қидириб топдик. Вақт ҳали эрталиги сабабли судья келмаган экан. Бир пайти қўлларига газета ушлаган ҳолда қози бобо Асрор ака Турсунов келиб қолдилар ва бизлар билан саломлашиб ўтдилар. Орадан бир неча дақиқа ўтгач, судда ишловчи бир йигит келиб иккаламизни судья чақирганлигини маълум қилди. У киши ўтирган хонага кирдик. Қариндошимизнинг шикоятини диққат билан тинглаб, қараб турди ва гапи тамом бўлгач албатта

ёрдам қилишини, фалон число куни судда кўриб ҳал қилиб бераман, дедилар. Суднинг чақирув қоғозини ёзишни менга буюрди. Мен биринчи марта суд биносини, судьяни ва у ердаги қоғозларни кўрдим. Хуснихатим чиройли бўлса керак. Судья менга қараб нечани синфда ва қайси мактабда ўқишимни сўрадилар, мен тегишлича жавоб қайтарганимдан сўнг у киши, агар сени судга ишга олсам ишлайсанми, деб қолдилар. Мен бошимни ирғаб тасдиқлаб қўйдим. Шунда судья мактабни тамомлаб, мэннинг ёнимга келгин, албатта сенга иш бераман, иложи бўлса ўқитаман, дедилар. Мен ва қариндошимиз судья билан хайрлашиб иккаламиз ҳам мамнун ҳолда кетган эдик. Қариндошимизнинг судига бораолмадим, онам рухсат бермаган эдилар.

Вақт ўтиб ўнинчи синфни ҳам тугатдим, қўлимга аттестатни олиб, судьянинг ёнига келдим. У киши хонасида экан, бир ўзи қандайдир "дело"ни ўқиб ўтирган экан, мени эсладилар ва бир варақчани бериб мендан ёздириб кўриб "имтиҳон" олдилар. Шу кундан бошлаб мен судга ҳат ташувчи бўлиб ишлай бошладим. Орадан бир неча ой ўтди. Бир куни судья мени чақириб ариза ёзишимни ва ўзига котиб қилиб ишга олишини айтдилар. Расмийчиликни қилиб бўлгач, суд котиби бўлиб ишлай бошладим.

Судья жиноят ишларни икки нафар маслаҳатчилари билан биргаликда, прокурор ва адвокат иштирокида судда кўрар эди. Баъзи одамлар жиноят содир қилган бўлса қамоққа жўнатилад эди. Эр-хотиннинг жанжалларини кўрар эди. Менга эса суд жараёнида сўроқ қилинган шахсларнинг гапларини тўлиқ ёзиб бориш юклатилган эди. Бир неча йил ишладим, 1965 йилда меҳнат таътилига чиқиб, пойтахтга бордим ва ўша ерда судга ишга кириб ишлаб ва кечки бўлим юридик куллиётида ўқий бошладим.

### **ЗИЛЗИЛА**

Мен Тошкент Давлат университети юридик факультетининг биринчи курсини тамомлаш арафасида эдим. М.Горький кўчасида ижарада яшаб турган уйимиздан ташқарига чиққан вақтда ер қимирлади. Зилзила 1966 йил апрель ойининг 26 куни эрталаб тонг соат бешдан ўн икки дақиқа кечганда содир бўлган эди. Пойтахтимиздаги бу ер қимирлаш нафақат Ўзбекистондаги барча қишлоқ ва шаҳарларда, ҳатто бошқа барча республика ва вилоятларида ҳам ваҳимали гапга айланган эди.

Мен туғилиб ўсган Самарқанд вилояти, Пастдарғом тумани "Қизилқарвон" қишлоғида яшовчи ҳамқишлоқларим ҳам пойтахт зилзиласи ҳақида газеталардан ўқиганлар, телевизордан кўрганлар ва радио тўлкинларидан эшитганлар. Мен тўғримда эса ёмон гаплар ҳам тарқатилган экан, ўша вақтларда, мени "вафот этган" дейишганлар ҳамма жойда бўлгани каби бизнинг қишлоқда ҳам оғзига кучи етмаганлар бўлган. Бунинг учун менинг ўзимдан ҳам камчилик ўтган. Ёшлиқ қилиб уйга бир энлик хат ёзиб юбормаган эканман.

Май ойининг ўрталари эди шекилли, бир куни ишга келсам, суд



биносининг ёнида уч кишини узоқдан кўрдим, яқинлашгач танидим, бири отам, иккинчиси тоғам ва учинчиси амаким эканлар. Салом-алиқдан сўнг амаким менга қараб "Ука, юр, иккаламиз расмга тушайлик, агар сенинг расмингни олиб бормасам онанг ўлиб қолади, қишлоқда хар хил миш-мишлар юрибди" дедилар. Эрталаб бўлгани учун ҳали расмга туширувчилар келишмаган экан. Бироз дам олиб, гаплашиб ўтирдик, амаким менинг ўқишим, ишим ва ётоқжойларимни суриштирган эди. Майдончага келсак, расмга туширувчилар келишган эканлар. Бир рус миллатига мансуб расмчи ёнига келдик. Амаким билан бир марта А.Навоий театри ва иккинчи марта Тошкент меҳмонхонаси кўринишида расмга тушдик. Расмчи билан амаким алланималар деб иккаласи гаплашган эди, бир соатлар чамасидан сўнгра қайтиб шу ерга келсак расмимиз тайёр экан. Амаким кўпроқ пул берган шекилли, расмимиз тезда тайёрланган экан. У кишиларни икки кун меҳмон қилиб Самарқандга қазайтиб қўйган эдим.

Орадан озгина вақт ўтгач ҳамма республика вилоятларидан ёрдамга кела бошлашди. Курилиш жиддий равишда бошланиб кетган эди. Биринчилар қаторида "Спутник" шаҳарчаси қурилди. Бир қаватли биноларнинг кўпчилиги деворлари ёғочдан эди. Устидан тўғри шиферни қоқишиб тезлаштириб уйлар қурила бошлаган эди. Одамлар меҳрибон, оқибатли, одамохун, бир-бирига доимо ёрдамга тайёр эдилар.

Кунлар кетидан кунлар ўта бошлади. Мен кундуз кунни туман судида котиб ва суд ижрочи вазифаларида ишлаб юрдим. Юридик факультетнинг кечки бўлимида ўқидим. 1971 йилнинг июнь ойида биринчи марта Тошкент билан хайрлашган эдим.

## УЧРАШУВ

Мен туман судида ижрочилик вазифасида ишлаб юрган кезларимда хизмат тақозоси билан ўз ҳудудимдаги барча ташкилот, корхона, муассасаларга кириб юрар эдим. Ҳудудимда республика бўйича жиноят содир этиб қамалган хотин-қизлар турмаси ҳам бор эди. Бир кунни бир шикоятни текшириш учун турмага бордим. Ўтиш жойидагилар менинг хизмат гувоҳномамни ҳижжалаб текшириб, сўнгра ўтишга рухсат бердилар. Мен сўраб-суриштириб турманнинг бошлиғига кирдим. Столнинг у томонида ёшлари элликларни қаралаб қолган киши мен билан суҳбатлашди. Узини ички хизмат майори Усмонов деб таништирди. Мен ҳам суднинг ижрочиси эканлигимни айтиб гувоҳномамни кўрсатмоқчи бўлганимда у киши Сизга ишонаман, ўтиринг, ука, бизга нима хизмат бор дедилар. Мен муддаомни айтганимдан сўнг котиба кизни чақириб бош ҳисобчини чорлади. Бир неча дақиқа ўтгач хонага рус миллатига мансуб аёл киши кириб келди. Иккаламиз танишиб олдик. Мен нима учун келганимни айтган вақтимдан ҳисобчи аёл ўзининг хонасига чиқишимни таклиф этди. Иккаламиз ён хонага кирдик.

Мен қўлимдаги бир ташкилот томонидан ёзилган шикоятни опага узатдим. У танишиб бўлгач, хонага ёрдамчи ҳисобчим таклиф қилди.

Иккалашиб суд қарорининг нима сабабдан ўз вақтида бажарилмаётганини аниқладик. Айбдор ҳисобчига тегишли чора кўришни бош ҳисобчи менга айтиб, жазоланганлиги ҳақидаги буйруқни ҳам кўрсатишига ваъда берди. Мен йўл-йўлакай бошқа ижро варақаларни ҳам текшириш ниятида бош ҳисобчига ҳамма ижро варақаларни олиб келиб беришини айтганимда у киши кулимсираб, "А" ҳарфидан бошланган фамилиядаги махбуслар ҳақидаги бир тўп суднинг ижро варақасини келтириб берди. Мен ёшлигим, тажрибасизлигим сабабли ҳамма ижро варақаларни келтиришни айтганимдан пушаймон бўлдим. Чунки, у ердаги ижро варақа сони жуда ҳам кўп экан. Биз бош ҳисобчи билан келгусида биргалашиб ишлаш учун келишиб олдик, мен келмай, телефон қилишимни айтдим. Опа мени яна бошлиқ хонасигача кўзатиб қўйди. Майор Усмоновга қилган ишларимиз ҳақида айтиб бердим. У хурсанд бўлиб қолди ва хайрлашиб бинодан ташқарига чиқдим.

Турма ҳудудидан чикиб кетаётганимда сочлари кесилган, ёшлари ўттизларни қоралаб қолган маҳкума менга гап отиб қолди. Иккаламиз анча гаплашдик. Бу орада опахон ўзи асли Карманадан эканлигини, Андижондаги тиббиёт олийгоҳини тамомлаб келиб, врач-гинеколог бўлиб ишлаб юрган вақтларида бир куни бош ҳаким хонасига таклиф этиб, туман раҳбарларидан бирининг танишининг боласини сунъий равишда туширишини буюрганини, у аёл киши эса касалхонага келмасдан уйда аборт қилишини айтгани учун тиббий ишларни амалга ошираётганида вафот этганини, шу сабабли уни айблаб беш йилга қамалганини айтиб бергач мен у маҳкума билан хайрлашдим.

Туман судида мен билан бирга суд ижрочиси вазифасида ишлаган Мурод Жўмаевич Холиқов мендан уч йил бурун юридик куллийетни тамомлаб Навоийга ишга кетганидан хабарим бор эди. Мен ҳам университетни тамомлаб Самарқандга ишга келиб, Адлия бўлимида бош маслаҳатчилик лавозимида ишлаб юрган вақтимда таътилга чикиб, Мурод акани кўриш учун Навоийга бордим. У киши бир неча йилдан бери кўришмай менинг келганимга хурсанд бўлиб, икки-уч кун меҳмон қилдилар. Шу орада дам олиш куни бўлиб, иккаламиз бозорга чиқдик. Бозорда юрганимизда бир аёл киши менга тикилиб қарайверди. Мен у кишини эслайолмай, охири судьяга мурожаат қилдим. Мурод ака қамалган врач гинеколог дедилар. Мен тўхтаб опа билан гаплашдим. У киши сизни қаердадир кўрганман деб гапни бошлагач, мен эслатдим ва иккаламиз бозорда анча гаплашиб турдик. Турмадан чиққач яна Карманага келганини, ҳозир ҳам врач-гинеколог эканлигини айтиб берди ва гапининг охирида одам одам билан учрашар экан, лекин тоғ-тоғ билан учрашмайди деди ва иккаламиз ҳудди қадрдонлардек хайрлашдик.

## ХОТИН АЛМАШТИРИШ!

Бир куни рус миллатига мансуб, ёшлари ўттизлар чамасида башанг кийинган бир киши эшикни тақиллатиб, мен рухсат бергач хонамга кириб келди. У ўзини Тошкент шаҳридаги автокорхоналардан бирида раҳбар эканлигини маълум қилиб, хотинидан ажралиш учун қандай ҳужжатлар кераклигини айтиб беришимни илтимос қилди. У кишининг талабини қондириб мен унга савол билан мурожаат қилдим. Айтинччи, хотинингиздан ажралиш сабаби нимада деганимда у киши судга айтиб бераман деб жавоб берди. Орадан 10 кунлар ўтар-ўтмас Владимир билан судга яна учрашдик, у киши хотинидан ажралиш ҳақидаги даъво аризасини олиб келган экан. Судья қабулига кириб ҳужжатларини топширди ва менга судья чақирув қоғози ёзиб беришимни таклиф этди ва фалон куни уларнинг фуқаролик иши судда кўрилажагини таъкидлади. Кўрсатилган вақтда икки жуфт эр-хотинлар судга келдилар. Менга суд жараёнида баённомани тўғри ёзиб бериш юклатилган эди. Судда арзчи ўзининг баёнотида хотини билан яхши яшамаётганлигини, у педагог бўлсада болалари тарбияси билан шугулланмаслигини ва ҳоказоларни ваҳ қилиб суддан уларнинг никоҳларини бекор қилишни сўради. Жавобгар у кишининг хотини эса судда сўз олиб эри бир кўча нарида яшовчи аёл билан учрашиб юришини, улар ҳатто курортларга ҳам бирга боришганларини, эри ҳар куни уни автомашинасига ўтиргизиб "Самарқанд" автостанциясигача олиб бориб қўйишини, ҳозирда улар иккаласи бирга турмуш қуришга ахдлашганини, ўзи эса эри курортдан келганча мактаб директори билан бирга яшаганини айтиб берган эди. Суднинг қарорига кўра икки педагог ва икки автотарнспорт ходими ўрталаридаги никоҳ бекор бўлиб, улар хотин алмашиб олган эдилар. Ҳатто икки жуфт болалари ва уйларини ҳам алмаштирганини гувоҳи бўлган эдим. Кейинчалик уларнинг барчаси бахтсиз бўлишганини эшитдим. Бу бир ҳаёт сабоғи эди.

## ОТ ЎРНИНИ ТОЙ БОСДИ

Шароф ака Узоқовни мен Самарқанддаги адлия бўлимида бирга ишлаганимиздан билар эдим. У инсон бағри кенг, кечиримли, ташкилотчилик қобилиятига эга эдиларким, буни ёзиб адо қилиб бўлмайди. Идорамиз жойлашган бино "Самарқанд" иншоотлари ёнгинасида бўлиб, икки қаватдан иборат эди. Ҳезадаги хоналарда раҳбарият жойлашган эди. Коридор бўйлаб охирига борсангиз чап қўлда қабулхона ва унинг ичкарасида эса бошлиғимиз Аҳмадҷонов Қодирқул Ҳатамович ўтирар эди. У кишининг хонасининг қарама-қўршисида биринчи ўринбосари Саттаров Ильич Қўлиевич жойлашган эдилар. Киришдаги ўнг қўл томонидан биринчи эшик эса ўринбосари Бобомуродов Талъат Дўстмуродовичга тегишли эди. Пастки қаватда подвалга ўхшаш бино ичи кираверишда ўнг қўлдаги хона кадрлар нозири Тўхватшин Аркадив деган киши, ундан

кейингисида Мая Сергеевна деган аёл - махсус қисм нозири, ундан кейингисида "Катта консультантлар" деб ёзиб қўйилган хонада Шароф Узоқов, камина ва Ҳамраев Фаффор Ниёзович деганлар ўтирар эдик. Охирги хоналарнинг бирида бош бухгалтеримиз, кассиримиз ва энг охирги хоначада эса қоровул жойлашган эди. Ушбу сатрлар эгасига ҳуқуқни тарғибот этиш вазифаси юклатилган бўлиб, қўшимча равишда қарорларга ўзгариш киритишларини ҳам олиб борар эдим. Ёнимда катта шафқ бўлиб, у ерда барча кодекслар жойлаштирилган эди, қўшимча ва ўзгартиришларни китобларга мен киритиб сўнг судларга тарқатиб юборар эдим.

Ўзбекистон Ҳарбий прокуратураси ўз фаолиятини қўйидаги асосий йўналишлар бўйича амалга оширмоқда: ҳарбий хизматчиларнинг жисмоний соғлиғи, руҳий ва маънавий баркамоллигини сақлаш ҳамда ножанговор ҳолатда шахсий таркибнинг талофот кўришини бартараф этиш, ҳарбий техника ва қурол аслаҳаларни сақлаш, улардан унумли фойдаланиш соҳасида қонунчиликка риоя қилишни таъминлаш, қуролли кучларга қарашли ҳарбий қисмлар ва муассасаларда давлат мулкани сақлаш, тежамкорлик билан ишлатиш қоидаларининг бажарилишини таъминлаш, ҳарбий хизматчиларнинг бир-бирлари билан ўзаро муносабатлар қоидаларига амал қилишларини, лавозим ва даража бўйича бир-бирларига бўйсунтиришларини таъминлаш, тазйиқ ва зўрлик ўтказиш ҳолатларининг олдини олиш, қуролли кучлар шахсий таркибининг жанговор руҳи ва қобилиятини юқори даражада сақлаш, ҳарбий хизматчилар ўртасидан уюшган жиноятчилик, терроризм ва диний экстермизмга қарши курашнинг талаб ва қоидаларини бажаришни назорат қилиш ва ҳоказолар.

Орадан йиллар ўтиб мен устознинг ўғли билан учрашдим. У ҳам ҳарбий соҳа вакили эди.

2001 йил 22 августда жиноий жазоларнинг либераллаштирилиши муносабати билан қабул қилинган Қонун айна кутилган ҳол бўлди. Айниқса, шу Қонун билан ярашув институтининг жорий этилиши натижасида билиб-билмай жиноят содир этиб қўйган ёш ҳарбий хизматчиларимиз ўзаро ярашиб кетяптилар. Қўзғатилган кўпгина жиноят ишлар улар ярашганликлари учун тугатилляпти.

Республикамизнинг турли бурчакларида ҳарбий хизматчилар йигитлик бурчини ўтаб ҳам жисмоний, ҳам руҳий, ҳам маънавий чинқиш мактабини ўтаб, уйларига қайтадилар.

Ҳарбий прокуратура ходимлари ва ҳарбий қисм бошлиқлари эса уларнинг ўрнига келган ёш аскарларни элим деб, юртим деб ёниб яшайдиган ватанпарварлар этиб тайёрлаш учун ўз фаолиятларини бошидан бошлайдилар ва бу йўлда ўзларининг бутун куч ва қувватини аямайдилар.

Ўзбекистон Республикаси Ҳарбий Прокурори полковник Шухрат Шарафович Узоқов билан анча гурунлашиб қайтар эканман, у отасининг муносиб фарзанди бўлиб етишганидан, ота орзуси ушалганидан фахрландим.

## АДОЛАТГА ТАЛПИНГАН ҚАЛБ

Хаёт қизиқ экан. Биридан кечмагунча бошқа бирига эришолмас экансан киши.

Тошкентга келиб бир хонадонда ижарада яшай бошладим. Хар куни эрталаб ишга отланаётган чоғимда уй бекасининг онаси кекса аёл "ой бориб, омон қайтинг, ўғлим", -деб-дуога қўл очар эдилар. Туман судида яхши ишлаганлигим сабабли судимизнинг раиси Собит ака Дадажонов ҳузурига чорлаб ҳужжатларимни тайёрлашимни ва Тошкент Давлат университети юридик факультетининг кечки бўлимига топширишимни маслаҳат берди. Мен раиснинг гапларини сўзсиз бажарар эдим. Шу соҳада ишляяпсан, шу соҳада ўқисанг ёмон бўлмас эди" - деб кўшиб қўйдилар раисимиз.

Ҳужжатларни топширгач, тарих, она тили ва чет тилидан имтиҳонларни ҳам 10 баллга топширдим. Бахтимга ўша йили агар абитуриент шу соҳада ишласа, неча балл баҳо олганлигидан қатъий назар олийгоҳга қабул қилиниши ҳақида Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта таълим вазирининг кўргазмаси бор экан. Шундай қилиб мен Тошкент Давлат университети юридик факультетининг биринчи курс талабаси бўлдим. Деканимиз мени талабалик билан табриклаганида севинганимдан кўзимга ёш келган эди, шундан кейин мен ишлаб ва ўқий бошладим.

Ер қимирлайдиган куни бир туш кўрдим, тушимда отам раҳматли "ўғлим, ўрнингиздан туриб ташқарига чиқинг", - дедилар. Мен ширин уйқудан уйғониб ҳовлидан ташқарига чиқдим, уйқу аралаш кўзларимни уқалаб кўчанинг бошига қараб кетабошладим. Шу пайт қандайдир овозлар кулогимга чалинган эди, итларнинг ҳурганига, хўрозларнинг қичқирганига ўхшаш овозлар келган эди. Шу аллозда мен 20-30 метрлар чамаси юриб, кўчанинг бошига чиққан вақтимда ер қимирлаган эди. Бу зилзила 1966 йил апрель ойининг 26 куни эрта тонг соат бешдан ўн икки дақиқа кечганда содир бўлган эди. Кўлгина кўчалардаги уйларнинг баъзилари ёрилиб, баъзилари чўкиб, ярқисиз ҳолга келган эди. Мен ижарада турган уйнинг деворлари ажралишиб кетган эди. Шундай қилиб мен ер қимирлаганда омон қолган эдим. Шаҳарнинг Олой бозори атрофидаги уйлар қаттиқ шикаст еганини ўз кўзим билан кўргандим.

Мен судда котиблик қилиб юрган вақтларимда ҳар хил жиноят ишлари, эр-хотиндан ажралиш, алимент ундириш, қарз суммасини ундириш, уй-жойни бўлиш, меросхўрликка оид фуқаролик ишлари ҳам кўрилган эди. Ишлар судьямиз томонидан тасдиқланган қатъий график асосида кўрилиб, мазмунан ҳал этилар эди. Мен суднинг котиби вазифасида ишлаб, судьянинг ҳар хил топшириқларини бажарар эдим. Фуқароларга судга чақирув қоғози юборардим, суд жараёнида раислик этувчи кимни сўроқ қилса унинг гапларини аниқ ва тез ёзар, суд ҳайъати кўриб тамомлаган ишлар бўйича суднинг чиқарган ҳукми қарори ва ажрими юзасидан ижро варақа ёзар эдим. Бу ижро варақаларга судья имзо қўйгач, муҳр босиб, суднинг катта ижрочисига топширар, кейинчалик уларни суднинг архивига берар эдим.

Кунлар кетидан кунлар қувалашиб ўтиб кетаверди. Бир куни суд раиси Собит ака Дадажонов мени ҳузурига чақириб, ҳозир Тошкент шаҳар судига Ҳамдам Ҳалиловга бориб учрашасан, дедилар. Мен суд раисининг ҳар қандай топшириғини ўз вақтида бажарар эдим. Қабулхонага кирсам котиба «Ҳамдам Ҳалилович ўзларидалар, кираверинг», - деди. У киши кулимсираб турган ҳолда мени қабул қилдилар, анча вақт гаплашиб олдик. Суҳбат асносида мени Самарқанддан келиб ўқиб, ишлаётганимни, оилавий аҳволимни ва бошқаларни сўраб олдилар. Мен ҳам ўз навбатида қизиқиб Ҳамдам Ҳалиловдан ўғиллари бор ёки йўқлигини сўраганимда, «Эркин деган ўғлим сен ва мени а ҳамкасб бўлишни ният қилиб юрибди» - деган эдилар.

Суҳбатимиз охирлашганда Тошкент шаҳар судининг раиси Турсунбой Абдуллаев деган киши кириб қолдилар. У киши мен билан қўл бериб саломлашдилар ва муовинлари Ҳамдам Ҳалилович мен тўғримида у кишига қисқача ахборот бердилар. У киши «мен розиман,» деб чиқиб кетган эдилар. Ўшанда мен туман судига ижрочилик вазифасига тайинланганим ҳақидаги буйруқ ва гувоҳномани Ҳамдам ақанинг қўлидан олган эдим.

"Талабалик - олтин даврим", деб бекорга айтишмаган эканлар. Тошкентнинг "Бешёғоч" бозори ёнида гўшт комбинатидан чиқариб сотиладиган перошка бўлар эди. Ишхонамга эрталаб бориб бошқа ходимлар келгунча тамадди қилиб устидан чой ҳам ичиб олар эдим. Ишонасизми ёки йўқми, шу пирошкиларнинг "кучи" билан мен кечгача оч қолмас эдим Кечроқ ишни тугатгач ўқишга борардим, у ерда икки нафар дарс тинглаб, уйга қайтиб келган, ижарада ўтирган хонамда овқатланиб олардим. Кейин ухлаб ҳордиқ чиқариб, эрталаб яна ишга отланардим.

Олийгоҳни тугатиш арафасида кундузги бўлимда ўқиган талабаларни соҳаларга бўлиш учун комиссия келган эди. Мен ҳам ариза ёзиб топширдим. Қўрсатилган вақт ва жойга етиб келдик, кимдир прокуратурага, кимдир ички ишлар вазирлигига, кимдир адлия вазирлигига ва яна кимдир давлат хавфсизлик қўмитаси ихтиёрига бориши аниқланар эди. Менга навбат келганда Сония исмли кадрлар бўлиמידан келган опа менинг шахсий деломни олиб ўқиб, бу йилгитча рози бўлса бизнинг вазирликка олсак, чунки анча йил суд соҳасида ишлаган экан, дедилар.

Мен розилигимни билдирдим. Шундай қилиб Ўзбекистон республикаси Адлия Вазирлиги ихтиёрига ўтказилдим. Бир неча кундан кейин эса мени Самарқанд Адлия бўлимига ишга юбориш ҳақида йўлланма беришди.

Бу ерда бир неча йил ишлагач, адвокатурани яхши кўриб қолдим ва шу соҳага ишга ўтдим. Мана қирқ йилдан ошдики, адлия органларида хизмат қилиб келаяпман. Мен адлия соҳасини танлаб адашмаган эканман. Шу йиллар давомида бор кучим, билимим, тажрибамни фақат адолатни юзага чиқариш учун сарфладим. Адолат учун талпиндим ва унинг учун курашдим.

Ўзларининг оддий ҳақ-ҳуқуқларини тўла билмайдиган фуқаролар ҳам йўқ эмас. Уларни судда, терговда ва бошқа ташкилотларда ҳимоя

қилиш адвокатларнинг вазифасидир. Адвокатлар ниҳоятда фахрли касб эгаларидир.

## ОТАМ БИЛАН ФАХРЛАНАМАН

Барчамизга маълумки, собиқ мустабид тузум таназзулининг сўнгги йилларида ўз салтанатини сақлаб қолиш учун миллий республикаларга нисбатан зулм-зўравонлигини янада кучайтирган эди. Марказ кучини кўрсатиб қўйиш учун Ўзбекистон халқи бошига Гдлян ва Иванов сингари бир нечта "бало-қазо"ларни юборди. Бу "десантчилар" енг шимариб ўзбек халқини бадном қилишга киришдилар. Ўз ватанига содиқ бўлган республикамизнинг ҳуқуқ-тартибот идораларида ишловчи ходимларимизнинг анчагина қисмини бадном қилишдилар. Бутурлин, Усатов деганлари Республика прокурори этиб тайинланган эди. Республикамиз бу ғараз ниятли кимсалар томонидан ўргимчак тўридек ўраб олинган эди.

Улар беш- олти йилдан кўпроқ вақт даври даврон сурдилар.

Республикамизда шундай мураккаб вазият вужудга келганда И.Каримов жасорат кўрсатиб, давлатни бошқаришдек ўта мураккаб ишни ўз зиммасига олдилар. Тарих саҳифаларида қолган "ўзбек иши", "пахта иши" баҳонаси билан таҳқирланган миллатимизнинг гурурини ва ор-номусини қайта тикладилар.

Бугунги кунда прокуратура том маънода инсон ҳуқуқларини ҳамда жамият ва давлатнинг қонун билан қўриқланадиган манфаатларини химоя қилувчи орган сифатида фаолият кўрсатмоқда. Мустақил давлатимизда сиёсий, иқтисодий ислохотларни амалга оширишга қаратилган Президент фармонлари, Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва амалдаги қонунлар ижроси устидан самарали прокурорлик назорати олиб борилмоқда.

Прокуратура ходимлари жиноятчиликка қарши кураш олиб борадиган органлар томонидан қонунларнинг ижро этилишини назорат қилади, судда жиноят, фуқаролик ва хўжалик ишларини кўришда иштирок этади, вояга етмаганларга доир қонунлар ижросини назорат қилади. Амалдаги қонун ҳужжатларидаги барча ўзгаришлардан хабардор бўлишлари лозим. Муборакдаги туман прокуратурасида бир неча йиллардан буён терговчи ва прокурор ўринбосари лавозимларида Анвар Тиллаев фаолият кўрсатиб келмоқда. Йўлингиз тушиб, қачон бўлишидан қатъий назар бу ерга келиб қолсангиз ва қоровулдан ким бор, деб сўрасангиз, Тиллаев бор, деган жавобни оласиз. Дам олиш соатидами ёки дам олиш кунидами Анвар Тиллаевни прокуратурадан топасиз.

Қашқадарё воҳасининг Чироқчи туманида Толмас ака Тиллаев бир неча йиллар прокурорлик қилдилар. Мен у кишининг талабчанлик, камтарлик, одамийлик, тadbиркорлик, сахийлик каби хусусиятлари борлигини билар эдим. Фойипов у кишини туман прокурорлигидан, вилоят раҳбарлигида озгина вақт маъмурий бўлимни бошқаришга қўйди. Толмас ака Чироқчи туманига биринчи котиби этиб ишга

тайинланади. Унгача Ғойибов Рўзмат Ғойипович Толмас акани чақириб қўлига бир қанча ҳужжатларни тутқазиб Тошкентга Марказкомга борасиз, деб тайинлайди. У ердаги бўлим бошлиқлари ва Марказком котиблари суҳбатидан ўтиб бўлгач, биринчи котиб Шароф Рашидов билан суҳбатда бўлганлар. Бир неча кун ўтгач Чироқчи туман пленуми бўлиб, у ерда ташкилий масала кўрилган. Вилоятда бўлим бошлиғи бўлиб ишлаган олий маълумотли ҳуқуқшунос Толмас ака Тиллаев биринчи котиб этиб тайинланган.

Толмас ака Тиллаев Самарқанд вилояти Пастдарғом туманининг Жом қишлоғида таваллуд топганлар. Тоғ ёнбағрида туғилиб ўсган Толмас ака ёшлигидан ҳуқуқшунос бўлишни орзу қилган. Ўзинчи синфни тамомлагач, Тошкентга бориб Тошкент Давлат Университети Юридик қуллиётига ҳужжатларини топширган. Ҳамма имтиҳонлардан яхши ва аъло баҳолар олиб талаба бўлганлар. Орзуда айб йўқ дейдилар. Орадан беш йил ўтиб Толмас ака қўлига ҳуқуқшунос деган диплом олдилар ва жонажон қишлоғига қайтиб келиб бир неча вақт шу ерда яшаб, ишлаб юрдилар. Кейинчалик у кишини терговчиликка таклиф этишдилар. Шаҳрисабз туманида прокурорлик лавозимида ишлаб юриб, тажриба орттирабошладилар. Вақти-соати келиб Толмас аканинг орзуси ушалди. У кишини вилоят прокуратурасига таклиф қилиб, туман прокурори этиб тайинланганлигини айтишдилар.

-Ўзим ота касбга жуда ҳам қизиққанман. Уйга форма кийган отамнинг ҳамкасблари келганда мен уларга чой олиб келиб гапларига қизиқиб кулоқ осиб турар эдим. Улар соатлаб қонунчилик ҳақида гаплашар эдилар. Шу сабабли бўлса керак менда ота касбни эгаллаш иштиёқи туғилган эди. Ёшлигимда мен катта бўлсам отамдек прокуратура идораларида ишлашни истар эдим, 1993 йилдан прокуратура идораларида ишлайман, ҳозир Муборак тумани прокурори ўринбосариман. Тумандаги прокуроримиз Шерали Ашировдан мен миннатдорман, у кишини устозим деб биламан, терговчилик пайтлари ва ҳозир ҳам ишларимга доимо ёрдам қўлларини чўзиб келадилар. Терговчилик давримда қўлимдаги ишни тергов қилиш режаларини ҳам талаб қилардилар. Ҳузурида соатлаб ўтирар эдим. Билмаганларимни ўргатар эдилар. Устозим ҳали ҳам ўзининг тажриба, билимини, мендан аямайди. У киши менга милицияни назорат қилиш каби оғир ва масъулиятли вазифани юклаганлар. Ушбу идоралар ходимларининг кўпчилиги тажрибали, шу сабабли улар билан ишлаш қийин эмас.

Фуқаролар қабули билан ҳам шуғулланаман, ким қандай масала билан келишидан қатъи назар, уларни қабул қиламан, гапларини тинглайман, керакли маслаҳат ва йўл-йўриқлар бераман. Ишга бор кучимни сарфлайман, билим, тажрибамни аяш йўқ, тушунмаган жойларимни ҳали ҳам устозимдан сўраб тураман. Кеч соат 22ларда ҳам мени прокуратурадан топишингиз мумкин. Баъзан иш кўпайиб кетишига қарамасдан болаларим тарбияси, оилам, уларнинг ўқишларини текшириб қўяман, ҳатто кундалигини ҳам кўришга вақт ажратаман. Кариндош-уруғларнинг олдиларига ҳам бориб келаман, улар Чироқчи ва Жомда яшашадилар, опа-сингил, ака-укалар ҳолидан хабарлашиб



тураман, уларнинг тўй ва бошқа маъракаларига албатта бораман, - дейди Анваржон Тиллаев

Отаси ҳақида кенгроқ тўхталишни сўраганимизда Анвар Тиллаев куйидагиларни айтиб берди:

-Отам ва бошқалар айбланган жиноят ишини Ўзбекистон Ички Ишлар вазирлиги тергов гуруҳи бошлиғи бошчилигидаги терговчилар тергов қилган эканлар. Улар бир неча айбланувчиларга нисбатан 76 жилддан иборат 2500 варақли иш тўплаган эканлар. Терговчилар ушбу жиноят иш бўйича 1000дан ортиқ колхозчи, совхоз ишчиси, пахта пункт ходимлари, тумандаги баъзи ташкилот раҳбарларини ва бошқа кишиларни сўроқ қилган эканлар.

Отам Тиллаев Толмас Раззоқович 1983 йилнинг октябрь, ноябрь, декабрь ойларида касал бўлиб икки марта операция қилинган эди. Тўрт ойча ишга чиқа олмаган эди. Ўрнига иккинчи котиби раҳбарлик қилиб юрган эди, у кишига ёрдам берган райисполком раиси ва бошқалар пахта плани бажарилишини колхоз ва совхоз раҳбарларидан талаб қилган эдилар.

Отам ва бошқаларнинг ишини тергов қилган МВД терговчилари бошлиғи хулқининг ёмонлиги, доимий равишда ичкиликбозлик ва маишатбозлик қилгани, бир неча марта қонунсиз равишда тергов ҳаракатларини амалга оширгани учун айбланувчилар томонидан Ички Ишлар вазири Ибрагимовга шикоят ёзилган. У ерда кўрсатилган фактлар тасдиқлангани сабабли уни ишдан озод этган

Отамга Жиноят Кодексининг 210-моддаси совуқ, қурол сақлаган учун жавобгарлик ҳақида ҳам яна битта модда билан айб эълон қилинган эди. У бундай бўлган эди. Чирокчиغا Воронеж шаҳридан артистлар келиб яхши концерт бераётганида отам туман аҳли номидан уларга ташаккур айтиб 3-4 та миллий дўппи совға қилган эди. Улар барчаси қилич тақиб олиб ўйин кўрсатаётган вақтида артистлардан бири ўзлари ўйнаётган алюминийдан ясалган қилични эсдалик тариқасида отамга совға қилган эди. Отам эса буни менга берган эдилар. Бу қилични уйда сақлаган эдик. Мен армияга кетганлигим сабабли уйда осиглиқ турар эди. Тергов органи отамга нимадир «ёпиштириш» мақсадида шуни ҳам олиб кетган экан ва совуқ қурол сақлаган, деб шунга битта модда қўйган экан. Артистлар Чирокчи туманида 1982 йилда келишганлари рост эди, аммо тергов органи уларни сўроқ қилмаган экан.

Тергов органи туман қиёфаси, туманни ўзгартириш учун отам томонидан қилинган ишларга эътибор бермаганлар, ишни бирёклама, фақат қсарлов томонга босишганлар, бирорта гувоҳдан туман котибининг шахси ва ишлари ҳақида сўроқ олинмаган. Отам раҳбарлик қилган вақтларда туманимиз бўйича 10 та массив ўзлаштирилган, 9 та янги совхоз ташкил этилган, 300 километрлик каналга бетон ётқизилган, туманимиз бўйича топширилиб келинаётган 20 минг тонна пахта 45 минг тоннага етказилган. Туманда касалхона ва унинг бир неча бўлимлари очилган, гилам фабрикаси, автобаза, бозор ишга тушган. 26 та магазин ва 15 та ошхона қурилган, 25 та болалар боғчалари ва 27 та мактаб қад кўтарилган. Хўжаликлар ва туман

марказида кўпдан кўп янги қурилишлар, уйлар бўлган, туманимиз маркази шаҳар номини олган, ҳалқ ансамбили тузилиб, улар концерт берганлар.

Отам 3 йил терговчи, 7 йил прокурорлик қилган, яхши ишлагани учун у кишини Қашқадарё раҳбариятида маъмурий бўлимига бошлиқ қилиб ишга олганлар. 10 йил давомида Чироқчи туманида биринчи котиби бўлганлар. Мутахассислиги юрист ва агроном эди. Отам қатор йиллар туман ва вилоят кенгашлари депутати бўлиб сайланган. 4 орден ва медаллари бор эди. Бобом II-жаҳон уруши қатнашчиси ва II-гуруҳ ногирони, амаким эса мамлакат Қаҳрамони эди. Булар ҳаммаси Ватан учун ва ҳалқ учун хизмат қилиб келишган эдилар. Бу қилган хизмати учун отам "улуғ тузум" томонидан тўрт йилга озодлиқдан маҳрум этилган эди. Охир оқибатда отам зиммасига қўйилган айблар ўз исботини топмагани учун ишнинг бу қисми бекор қилинган эди. Аммо ёшлари анча жойга борганда турмада ётиб совуқда соғлигини йўқотиб қўйган эдилар. Кейинчалик, қамоқдан бўшагач, соғликларини тикладилар. Сўнг болалари, неваралари тарбияси билан шуғулланиб юрдилар. Мен шундай отам бўлганлигидан фахрланаман, дейди ифтихор билан Анвар.

### **ХОРИЖЛИК ЖИНОЯТЧИ**

Болгария Республикасидан келган ишчи-қурувчилар Муборак шаҳрининг қурилишида ишлашар эди. Бир куни уларнинг вакили келиб мендан ёрдам беришимни сўради. Воқеа бундай бўлган экан: Икки ишчининг иш муҳлати тугаганлиги сабабли хайрлашув кечасини ўтказганлар. Табиийки улар даврасида спиртлик ичимлик ичилган. Юртига кетувчиларнинг ҳар иккаласининг кайфи ошиб қолган ва нима сабабдандир бири иккинчисига пичоқ урган, натижа ўлим билан тугаган экан. Мазкур жиноят иши Ўзбекистон Республикаси Жиноят Кодексининг 88-моддасининг 3-қисми билан тергов органи томонидан айбланиб, жиноят иш мазмунан кўриш учун Муборак туман судига ўтказилди. Суд судланувчига нисбатан оғирроқ жазо тайинлаган эди. Мен унинг ҳимоячиси сифатида Қашқадарё вилоят судига кассация шикоятни ёздим ва мазкур жиноят иши вилоят судида кўрилганда тайин этилган жазодан икки йил олиб ташланган эди. Орадан бир қанча вақт ўтгач менинг номимга Болгариядан бир хат келди, бу хатда ёзилишича, маҳбусни бизнинг мамлакатда олиб кетишган экан ва у жазони Болгарияда ўтаётган экан, менинг яхшиликларимни эслаб хатида "раҳматнома" билдирган эди.

Бундай ишларни кўплаб кўрганимиз, мен қатнашган кўпчилик жиноят ишлар бўйича адолатли ҳукм чиқишига эришганман. Муборак туманида анча йил ишлагач вилоят раҳбаримиз мени бошқа туманларга ишга ўтказди. Қашқадарё вилоятида адвокатлик қилиб ишлаш давримда жуда кўплаб айбланувчи, судланувчи ва маҳкумларга кўлимдан келганча ёрдамимни аямаганман.

## **АВТОУЛОВ ҲАЛОКАТИ**

Бешкент ва Нишон тумани чегарасидан ўтган Қарши бош канали кўприги устида автоҳалокат юз берган экан. Натижада 38 киши вафот этган. Сув сепувчи автомашина ҳайдовчиси ва автобус ҳайдовчилари тергов вақтида қамоққа олинган эди. Вилоят судида иш кўриш бошланди. Автобус ҳайдовчисини бошқа вилоят, адвокати сув сепувчи машина ҳайдовчисини эса мен ҳимоя қила бошладик. Судда қатнашган вилоят прокурори ўринбосари ўзининг қоралов нутқида ҳар иккала ҳайдовчиларни айбдор деб топиб, уларни иккисига ҳам ўн беш йилдан озодликдан маҳрум этишни судда сўраган эди. Ҳамкасабам эса ўзининг ҳимояси остидагича энгиллик беришни суддан сўради, мен эса ўзимни музоқора сўзимдан сув сепувчи автомашина шоферининг айби йўқлиги ҳақида гапириб ва буни баҳоли қудрат исботлаб уни қамоқдан бўшатишни суддан сўраган эдим. Суд ҳукмига кўра иккала судланувчиларга ҳам 15 йилдан озодликдан маҳрум этиш жазоси белгиланди. Мазкур ҳукмдан норози бўлиб Ўзбекистон Республикаси Олий Судига икки марта шикоят билан муурожаат қилдим, лекин у ердан нажот топаолмадим. Кейинчалик ўйлаб-ўйлаб мамлакат Олий Судига муурожаат этдим. У ердагилар ишга объектив қарашиб, менинг ҳимоям остидаги маҳрум шофёрга тайинланган жазони олти йилга туширган эдилар.

## **ҲУКМ МАСЪУЛИЯТИ**

Эртаси Самарқанд туман судига бордим. Сўхбат чоғида суд раисаси Кимё опа Сатторова сиз бизнинг туманимиз ҳудудида яшаётганлигингиз сабабли халқ суди маслаҳатчилари сафига ўзим кўшган эдим. Яқин кунларда бир ўта муҳим иш кўрамиз, шу ишни кўришда сиз халқ маслаҳатчиси сифатида қатнашасиз, дедилар ва менга 6 жылддан иборат жиноят ишини танишиш учун бердилар. Мен у кишига ҳазиллашиб, опа, ҳеч судда маслаҳатчи бўлиб ўтирмаганман, қандай бўлар экан, десам, судья кулимсираб, сиз бизларни текширасиз, олий маълумотли юристсиз. Шу иш бўйича ҳукми ҳам ёзишни сизга юклайман, деб ўтирибман, деб кулдилар. Икки кундан сўнг суд жараёни бошланди.

Туман ички ишлар бўлимининг зали одамлар билан гавжум. Зал ичида олти нафар судланувчилар, булардан биттаси панжарадан ташқарида ўтирибди. Олти нафар адвокатлар ва прокурор ҳамда котиба жой-жойида ўтиришибди. Мен суд раисидан, нима учун бештаси қамоқдаю биттаси очиқ қолдирилган, деганимда мужмалроқ жалб қилган эди.

Суд жараёни ўн кун давом этди ва ниҳоят прокурорга музоқара сўзи берилди. Мамажанов давлат айбловини қувватлаб, ҳар олти нафар судланувчилар томонидан бир неча марта ўғирлик, босқинчилик жиноятлари содир этилганини далил, исботлар билан кўрсатиб, ҳар олти нафар судланувчиларга жазонинг энг оғирини тайин этишни суддан сўради. У кишининг музоқара сўзи залда ўтирган 30 га яқин жабрланувчи ва уларнинг қариндошлари томонидан қарсақлар билан кутиб олинди.

Навбат ҳимоячиларга берилди. Олти нафар ҳимоячилар ҳар қайсилари ўзларининг ҳимояси остидаги судланувчиларга нисбатан енгилроқ жазо тайинлашни суддан сўраган эдилар. Бу ҳимоячилар Самарқандда энг кўзга кўринган адвокатлар эди. Ҳар олти нафар судланувчиларга охириги сўз берилганда улар бизларга енгиллик беринг, дейишди. Биз маслаҳат уйига кириб кетдик. Хонага киргач, судья опа "дело"ларни менга бериб, ҳукмни ёзишга киришди.

Хуллас ҳукмни ёза бошладим... Ўзбекистон Республикаси номидан ҳукм... 2 кун давомида мен ҳукмни ёзиб тугатдик. Кун кеч бўлиб қолгани сабабли ҳукмни ўқишни эртага қолдирдик.

Эртасига туман ички ишлар бўлими биносига киришга чоғланганимда тахминан 100 дан ортиқ киши милиция биноси ташқарисида турганликларини кўрдим. Навбатчи булар олти нафар судланувчиларнинг қариндошлари эканлигини билдирди. Бизлар залга кириб келаётганимизда котибанинг ўринларингиздан турунглар, суд келаётир, деган гапини эшитдим. Залдаги тахминан 80-90 киши оёкка тик турган ҳолда бизларни кутиб олди. Минбарга чиққанимиздан сўнг опа ҳукмни менга бериб, ўзингиз ўқиб беринг, дедилар.

Ҳукм. Биринчи марта ҳукм ўқиётганлигим сабабли бўлса керак, адашмасликка ҳаракат қилсамда бир, икки марта сўздан адашганимни сездим. Ҳар-ҳар доим залда одамларнинг ўзларини тутишларига қараб ҳам кўяр эдим. Бир вақт залдагилар нотинч бўлабошлашдилар. Мен дарҳол прокурорга икки энлик хат ёзиб тинчлигимизни сақлаш ва қаттиқроқ кўриқлаш чорасини кўришни сўрадим. Тушдан кейин ҳукмнинг асосий қисмини ўқий бошладим. Тергов органи томонидан очиққа қолдирилган судланувчига биринчи бўлиб жазо чорасини ёзганимни ва уни эҳтиёт чорасини ўзгартириб қамоққа олишни ўқиган захотим, бир стул менга қараб отилганини кўриб қолдим. Бўйнимни энгаштирган эдим ҳамки, стул деволга бориб урилиб чилларчин бўлиб кетди. Залдагиларни милиция ходимлари тинчлантирди. Мен ҳукмни охиригача ўқиб бердим ва олти нафар судланувчиларнинг ҳаммасига саккиз йилдан қамоқ, жазони кучайтирилган режимли колонияларида ўташларини белгилаб кўйилган эди. Ҳукм ўқилиб бўлгач милиция ходимлари бизларга йўл очишдилар. Аввал судья, кейин иккинчи халқ маслаҳатчиси, ва мен, кейин прокуроримиз чиқиб кетдик. Орадан икки соатлар вақт ўтгандан кейин милиция бошлиғи келиб жанжал ҳақида ахборот берди. Бизлар чиқиб кетгач залдаги стул ва столларни синдирганлар, дераза ва эшиклар ҳам зиён кўрган экан.

Безорилик қилганлардан йигирмага яқини қўлга олинган экан. Сўнгра милиция бошлиғи ўзи хизмат машинаси рулига ўтириб, бизларни уй-уйимизга ташлаб кетди. Эртасига суд биносида йиғилдик. Бу ерга вилоят бўйича ҳуқуқ-тартибот раҳбарлари йиғилган экан. Туман ИИБ бошлиғининг ахбороти тингланди. Ҳозиргина, деди у киши, икки автомашинада судланувчиларнинг қариндошлари юмшоқ мебел олиб келиб залга жойлаштираётганлигини айтиб ўтди. Узоқ маслаҳатлашиб, кечаги тартиббузарларни қамоқдан бўшатишга қарор қилинди. Орадан

3 кун ўтди, судга келсам олти нафар адвокатлар ва уларнинг қўлидаги олти нафар маҳкумларнинг шикоят аризаларини кўрдим. Қизиқиб ёзилганлар билан танишиб чиқдим, ҳаммасининг мазмуни бир хил - жазони енгиллаштиришни сўраган эканлар. Мен ёзган ушбу биринчи ҳукимни вилоят суди ва Республика Олий Суди ҳам тасдиқлаганидан хабарим бор.

### МАҚТОВ ЁРЛИҚЛАРИ

Муборакка ишга келгач, суд раиси, туман прокуратураси терговчиси, ички ишлар бўлими терговчилари билан танишиб олдим. Чунки биз адвокатлар улар билан ҳамкорликда ишлар эдик. Судда жиноят иши кўрилишига мен адвокатуранинг бошлиғи сифатида иккита ордер ёзиб берар эдим. Адвокатларимиздан бири судланувчининг ҳимоячиси сифатида судда қатнашса, иккинчиси эса жабрланувчининг вакили сифатида судда иштирок этар эди. Фуқаролик ишлари бўйича бири даъвогарнинг, иккинчиси жавобгарнинг суддаги ҳуқуқларини ҳимоя қилар эди.

Бошида менинг бу иш принципим судьяга ҳам, терговчиларга ҳам ёқмади, улар бир ишда икки адвокатнинг қатнашишини хоҳламадилар. Орамизда бир неча вақт ҳамкорлик бўлмади. Улар менинг устимдан ҳар қайсиси ўзларининг вилоят бошлиқларига ахборот беришган эканлар. Вилоят прокуратурасида, Адлия бошқармасида ва судида бу ҳақда мунозаралар бўлиб ўтган экан. Вилоят раҳбарлари мени танимасаларда сиртдан менинг иш бошлашимни қувватлаган эканлар. Ўзаро "араз" бир неча ҳафта давом этгач, ишимиз яна давом этиб кетди. Шундай йўл билан бирга ишлайдиган бошқа адвокатлар ҳам судда иштирок эта бошлади.

Ҳар ойнинг охирида вилоят раҳбаримиз вилоят бўйича ҳамма адвокатлар иштирокида йиғилиш ўтказар эди. Бошлиғимиз Солиев Козим ака эдилар, у киши бизларга ишга келгунча вилоят давлат хавфсизлик бошқармасида бошлиқ бўлиб ишлаб, нафақага чиққан эканлар. Қайси адвокат ёмон ва қайси бири яхши ишлаётгани шу йиғилишда айтилар эди. Баъзи бир адвокатлар хато ва камчиликка йўл қўйган бўлса, ўша ерда тузатиш чорасини кўришар эдилар. Бир кун вилоят бошлиғимиз ўзининг ҳузурига чорлади. Борсам, Сизни вилоят Адлия бошқармаси бошлиғи бир келиб кетсин, деб менга кўнғирок қилди, аммо нима гаплагини ўзингизга айтар экан", - дедилар ва мен Қашқадарё вилоят ижроия қўмитаси биносида жойлашган бошқармага кетдим. Борсам бошлиқ Рашид ака Равшанов экан. Мени кабинетда қабул қилиб, иш жараёни билан қизиқиб, ярим соат суҳбат қилдилар ва хайрлашув олдида Козим Солиевичга кўнғирок қилдилар. Ботировнинг иш принципига мен ҳам қўшилдим, келгуси йиғилишимизда албатта кўриб чиқамиз, вилоят бўйича иш тажрибасини оммалаштирмақчиман. Бундай адвокатларни қадрлашимиз ва уларни мукофотлашимиз даркор, деб у кишига ҳам мени тақдирлаш ҳақида ўзининг тавсиясини айтдилар.

1980 йилнинг ўрталарида эди. Вилоят адвокатлар йиғинидамиз. Биринчи

марта раҳбаримиз мени минбарга таклиф этиб, ўзимнинг ишларим ҳақида ахборот олди ва у кишининг ўзи ўрнидан туриб, Муборак туман адвокатурасига раҳбарлигимни яхши баҳолаб, вилоят қасаба уюшмаси ва адвокатлар коллегиясининг раислари имзолаган "Мақтов Ёрлиғи"ни топширдилар. Залда қарсақлар бўлиб мен тўғримда шивир-шивир гаплар бўлганлиги ҳозирдагидай эсимда. Мен бундан яна ҳам фахрланиб, ишимга яна ҳам эътиборлироқ бўлиб ишни давом эттирган эдим.

Шундан кейин туман адвокатурасидаги уч нафар адвокатларнинг планларини бажаришлари учун бошқа чораларни ҳам кўрдим, улар корхонанинг ҳуқуқшуноси бўлиб ишлашларини ташкиллаштирдим, у ердан оладиган маошлари вилоят идорамизнинг ҳисоб рақамига тушадиган ва охир-оқибатда планларни ошириб бажарадиган бўлдик. ойлик, чораклик ва йиллик ҳисоботлар натижаларига қараб Муборак туман адвокатура бошлиғи мазкур сатрлар муаллифига "Мақтов Ёрлиғи" ёки пул ёхуд бошқа биронта қимматбаҳо нарсалар мукофот тариқасида берилган эди. Ҳозиргидай эсимда бир марта қоғозларимни солиб юриш учун папака, бир марта соқол олиш устараси беришган эди. Олти йил ичида йигирма марта мукофотланган эдим.

Хар сафар менга сўз берилганда мен олган мукофотлар бир менга эмас, балким кичкина бўлсада жамоамизга берилган, деб ҳисоблар эдим. Вилоят раҳбаримиз бизларнинг ишларимизни шахсан ўзи бир неча марта текшириб кўрган эди. Мен бор ҳужжатларимни столнинг устига қўйиб, узоқроқда ўтириб камчиликларимни кўрсатишларини сўрар эдим.

Мени Ғузор туманига ишга ўтказишмоқчи бўлиб, бир куни каттамик чақириб қолди, иккаламиз Ғузор тумани райкомининг биносига бордик. У ердаги "биринчи котиб" деб ёзилган хонага кирганимизда қабулда туман прокурори борлигини котиба маълум қилди. Бир пас кутган эдик, райком котиби ва прокурори чиқаётиб бизларга назари тушди. Қайтиб тўртов хонага кирдик. Менинг шахсий деломни раисимиз райкомнинг биринчи котиби Райим Раҳмоновга бердилар. У киши иш тажрибамдан сўрадилар. Мен қисқароқ гапирган эдим, у ерда қатнашаётган туман прокурори Нарзулла Лутфуллаев сўз олиб, яқинда вилоят прокуратурасида бўлиб ўтган йиғилишда адашимиз тўғрисида эшитган эдим. Мана энди бирга ишлайдиган бўлдик, дедилар. Райком котиби Райим ака Раҳмонов мени тасдиқдан ўтказдилар ва "Иккала Нарзулла акаларга муваффақият тилайман", - деб хайрлашган эдилар. Шундай қилиб, мен ишимни Ғузорда давом эттирдим, бу ердаги 4 нафар адвокатлар билан анча йил бирга ишладик.

## ҲИНД КИЗИМ

Муборақдаги адвокатурада ишлаб юрган пайтларим эди, кечкурун ишдан уйга келсам, ўртанчи ўғлим чоғиб чиқиб, "Дада меҳмон келди", деб хабар берди. Уйга кирсам, меҳмонхонада Деҳқонобод тумани Белибойли қишлоқ Кенгашининг раиси ўтирган экан. Иккаламиз анча вақт кўришмаганимиз сабабли кучоқлашиб саломлашдик. У киши: "Нарзулла ака, Сизни ҳам кўрар кун бор эканку", деб ҳазиллашиб ҳам кўйди. Гурунглариимиз қизигандан-қизиди. Дастурхон ёзилиб чой келтирилди, сўнгра топган-тутганларимиз, охирида қўлинг ўргулсин ошдан еб маза қилиб чақ-чақлашиб ўтирдик. Тун аллапайт бўлгач, меҳмоннинг чарчаб келгани билинарди ва шу сабабли жой солиб бердик, у киши меҳмонхонадаги диванга чўзилди. Эрталабки чой устида дўстимиз "ёрилди". Ўғли Мурманск шаҳрида ҳарбий хизматни ўтаётганини, ўзи ва хотини ўғилларини бир йил ичида жуда ҳам соғинганини, айтиб берди. Бир иложини қилиб мен ҳам у киши билан биргалашиб Мурманский шаҳрига боришимни илтимос қилди. Мен яқинда меҳнат таътилига чиқишимни билдирган эдим. У киши жуда саз бўлди, энди бирга кетамиз, деб кетадиган вақтини белгилади. Яна бир кун меҳмон қилиб дўстимни уйга кузатиб қўйдим.

Мен таътилга чиқиб сафарга кетишга тайёргарлик кўриб турган вақтимда дўстим келиб қолди, мен у кишидан нимага бир ўзингиз бормайсиз, деганимда биринчидан узоқ сафарга икки киши боргани маъқул, иккинчидан мен Ўзбекистондан ташқарига чиққаним йўқ, рус тилини мутлақо билмайман, деган эди. Шундай қилиб иккаламиз сафарга отландик. Душанбе-Москва поездига ўтириб, узоқ йўл бўлса ҳам "ҳайт" деб жўнаб кетдик. Уч кеча ва кундуз юриб Москва шаҳрига келдик. Қозон вокзалида пича томоша қилиб, сўнгра Мурманскка электр поездчасида кетдик. Бир кеча ва кундуз йўл юриб у ердаги манзилимизга етиб олдик. Вокзалдан тушиб катта бинони кўрдик. Бу "Мурманск меҳмонхонаси экан, иккаламиз паспортларимизни ва арзимаган пулни бериб шу меҳмонхонага жойлашиб олдик. Шу кунни шаҳарни томоша қилдик, ётиб дам олиб, эртаси аскар бола хизмат қилаётган ҳарбий қисмни қидириб кетдик.

Такси машинаси бир пасда бизларни ўша ҳарбий қисмга келтириб туширди. "КПП" деб ёзиб қўйилган жойга борган ҳам эдикки, бир ўзбек йигитча бизларга мурожаат қилиб кимнинг орқасидан, қаердан келдиларингиз?" - деди. Бизлар Қашқадарёдан келдик, деб аскарнинг фамилияси ва исмини айтган вақтимизда у аскар мени а ҳамшаҳар экансизлар, мен ҳам Қашқадарёнинг Ғузориданман, ҳозир уни топиб келаман, деб чоғиб кетди. Ун-ўн беш дақиқалар ўтгач, иккаласи келишди. Бизлар салом алик қилганимиздан сўнгра бир рус миллатига мансуб зобит келиб командирга олиб бораими, гаплашасизларми, деб қолди. Бизлар шундай қилмоқчи бўлиб турганлигимизни у қаёқдан билганига лол бўлиб қолиб бош ирғаб розилик билдирдик. Командирнинг ёнига боришгача у билан гаплашиб кетдик, у ўзбек йигитларидан хурсандлигини, уларнинг ҳаммаси яхши хизмат қилаётганини айтиб берди.

Харбий қисм бошлиғи майор бизларни кучоқ очиб ўзбекчалаб “хуш келибсизлар”, деб кутиб олди. Бизлар рус киши ўзбекча гапирганига ҳайрон бўлдик. Суҳбат давомида у Ўрта Осиёда харбий хизматда бўлганлигини, ҳозирги вақтда бу ерда ўзбек кўплигини, ота-оналар келавериб у ҳам ўзбекчанинг баъзи сўзларини яхшилаб ўрганиб олганлигини, оиласи эса водийлик бўлиб, татар миллатига мансублигини ҳам билдирган эди. Ярим соатча чамаси гаплашиб ўтирган эдик, у бир пайт стол тагидаги кўнғироқчани босиб, бир капитанга шу икки аскарга уч кунга “уволнительный” олиб келинг, деб буюрди, ташқарига чиқдик. Мурманск шаҳрининг ҳавоси бутунлай бошқача экан. Бир пас юрган эдик бир УАЗ енгил автомашина ёнимизга келиб тўхтади. Командир биз иккимизни машинага таклиф этди ва икки аскарига меҳмонхонага боришларини буюрди.

Янги машина қор кўчалардан гизиллаб юриб, бизларни бир уйга элтиб қўйди, бу ерда командир йигит яшар экан. Уйининг эшиги очилиб бошлиқнинг оиласи ўзбекона кийинган ва “ассалому алайкум” деб товозе қилиб кутиб олди. Бизлар ўзимизни Қашқадарёда юргандек хис этган эдик. Меҳмонхонасига кириб столга эмас пол устига тўшалган кўрпа ва кўрпачага ўтирдик. Дарҳол дастурхон ёзилди, бир пасда дастурхонга конфет, шакар, қанд, майиз, туршак, ёнғоқлар келтириб қўйишди. Вақти бўлганда оиласи бизлар билан татарча ва ўзбекча қилиб гаплашар эди. Икки чойникда кўк ва қора чой келтирилди. Бир пиёла чой устида гурунглашдик. Командир ўзи раҳбарлик қилаётган харбий қисмдаги аскарлар асосан Ўзбекистон ва Тожикистонданлигини, ота-оналар тез-тез келиб туришини, яқинда Қарши шаҳридан ҳам келиб кетганларини айтиб берди. У ердаги тартиб ва интизом тўғрисида ҳам гаплашдик. Темир интизом ўрнатганман, деди гап устига бошлиқ. Мен шу тобда командирнинг уйига қуруқ борганимизга жуда ачиндим. Бизнинг режага кўра учрашиш ва командирнинг уйига бориш белгиланмаган эди, аммо совға-салом меҳмонхонада эди. Дастурхонга командирнинг оиласи Ўзбекистонда ишлаб чиқилган коньяк ва ароқлардан бир неча хилини қўйди, оз озгина бўлса ҳам тамини татиб кўрдик. Ош келди, кўк чой билан уни “урдик”. Оиласининг исмини қизиқиб сўрасам Танзиламан, фаргоналик, зрим ўша ерда харбий хизматда бўлганида танишиб қолган эдик. Тақдир экан, мана бир неча йиллардан бери шу ерда яшаймиз, лекин ўзбекистонликларни кўп меҳмон қиламан, худди туғишганларимдек кўраман, деди Мен кайфиятимиз яхшилиги учун татарча частушкани айтиб бердим. Ичабизда йирлийбиз, оқча битса ўрлай биз, худой бизга шулай ёзган, ёрамай деб турбиймизё” деганимда у киши оилангиз татарками деб қолди, мен “ҳа” деб қўяқолдим. Анча вақт кулишиб ўтирдик, сўнгра кетиш олдимизда Танзила яна келиб “Обийлар, эсан бўлиғиз” деди. Сўнгра Володия командиримиз бизларни меҳмонхонагача кузатиб қўйди, лекин бизларнинг ичкарига кириши ҳақида унга айтган таклифимизга эртага хотини ва қизи билан келишини айтиб хайрлашиб кетди.

Икки аскар билан ўша кеча ухلامасдан гаплашиб ётдик, эрталаб.



тураолмадим, яна бир пас ётайлик, деди раис ва шу билан қарийб тушгача ухлабмиз. Уйғонсак, бу икки аскар овқат тайёрлаб ўтирган экан. Овқатланиб бўлгач, шаҳар айланишга кетдик, мен командирнинг қизига совғача олдим. Улар ишни тамомлаб кечроқ келишдилар. Володия ва Танзила билан худди туғишганлардек саломлашдик, йигитлар палов қилган эканлар, мириқиб едик. Танзила рақсга тушди, унга икки қизи жўр бўлди. Хуллас яхши дам олдик. Улар унчалик кўп ўтиришмади, совғаларимизни топширгач, хайр-хўшлашиб кетишди. Уларни биз ҳам “Мурманск” меҳмонхонасининг саккизинчи қаватидан ергача кузатдик. УАЗ бир пасда кўздан ғойиб бўлди. Командирнинг икки қизи Галия ва Сония кўринмай кетгунларича қўлларини силтаб хайрлашдилар.

Икки кундан сўнг ҳарбий қисмга аскарларни олиб тўртовимиз бордик. Командир йўқ экан, лекин адвокат акага бериб қўясизлар деб тайинлаб менга бир хат қолдирган экан. Конвертни очиб ўқисам, командирнинг каттаси, яъни генерал кўнғирок қилиб узокроқ жойга кетганлигини, иложи бўлса кўришармиз, деган хатини беришди. Бизга командирнинг ўринбосари ҳамроҳлик қилди. Аскарларнинг ётоқ жойларини, овқат ейдиган жойларини, стадионларини ва бошқа иморатларни кўрсатди. Аскарларга шундай шароит яратиб берганлигидан хурсанд бўлдик. Шаҳарни яна айланиб уйимизга совғасалом олдик ва кечкурун меҳмонхонага келиб энди диванга чўзилган эдик, телефон жиринглаб қолди, гўшакни кўтарсам, командир экан, у раҳбариятдан жавоб олиб ҳозиргина етиб келганини, машинасини юборганини, иккинчи кун ҳам келишимизни сўради. Озгина вақтдан кейин Миша деган татар шофёр келиб бизларни яна командирнинг уйига олиб кетди. Мен бир дона қовун ва бир дона тарвузни кўтардим, дўстим ҳам нимадир олди. Уйига кирсак икки қизи обийлар келдилар, деб кутиб олди. Яна дастурхон. Бу сафар стол устига нарсалар қўйилган экан. Соат кеч ўн бирларгача чамаси ўтириб қиттак-қиттак қилдик. Энди дам олишимиз керак деган вақтимизда Танзила кириб “Обийлар, кетмагиз, қўноқ бўлиб ётигиз”, дегач мен ва ўртоғим рози бўлдик, бизларга нариги хонасига жой солиб қўйган экан, ўша ерга ўтиб чўзилдик.

Эртасига эрталаб командирнинг машинасида қисмга келиб, болалар билан хўшлашиб вокзалга келдик. Электричка тайёр экан, Москвага жўнаб кетдик.

Қозон вокзалида икки кишига Москва-Душанбе поездига билет олиб, кўрсатилган вақтда поездга ўтириб жўнадик. Бир неча соатлар юрган вақтимизда бир ҳиндистонлик йигитча бизларга бир неча марта қараб-қараб ўтди. Охири мен уни купега киришини айтдим, у бола русчани чал-чулпа билар экан, ўзаро гаплаша бошладик. Сўхбат давомида ўзи Деҳли шаҳридан эканлигини, Душанбе шаҳрига тиббиёт олийгоҳига ўқишга кетаётганини, улар олти киши эканлигини ва бир қизча ҳам борлигини айтди. Шунда мен қизчани олиб келгин, дедим.

Орадан ўн дақиқалар ўтгач иккаласи кириб келишди. Картик экан

у боланинг исми, тарвуз еб гурунглашиб ўтирдик. Сўнгра қизча тўғрисида сўрадим. У таржима қилиб берди. Отаси Ҳиндистонда юқори лавозимлардан бирини эгаллаб туришини, бу ерда ўқиш яхшилигини ва Душанбега ўқишга кетаётганлигини айтиб берди. Бир пайт ҳиндча бир сўзнинг таржимасини сўради, у русчалаб "папа" дегани эканлигини айтиб берди. Шундан бошлаб қиз мени "папа" деб чақирабошлади. Улар беш йил Ўрта Осиё давлатларида ўқишларини гапириб берди.

Бир пайт эсимга Ҳиндистон киноюлдузи Раж Капур ўйнаган "Дайди" кинофильмидан бир мисра келиб қолди ва мен шу куплетни айтсам хатоси бўлса кечиринглар, деб билганимча куйлай бошладим: Ира жўппа де япани, сарпелаяй деппи Руси, перпендухи Индустанни" деган ҳам эдимки, қиз ўтирган жойидан туриб келиб мени кучоқлаб "папа" деди. Улар иккаласи жўр бўлишиб бу ашулани охиригача айтиб беришдилар. Бизлар мириқиб эшитдик. Гурунглашганимизда ҳиндлардаги баъзи сўзларнинг ўзбекчага ўхшашлигини билиб олдик, жумладан, тарвуз, дил, кўнгил каби бир неча сўзлари ўхшаш экан.

Орадан анча вақт ўтиб бир пайт қиз нимадир деди ва кўлини осмонга кўтариб тўртбурчак шаклини кўрсатди. Картик эса фотоаппарат деяпти, деди. У чиқиб кетиб дарров қайтиб келди, унинг кўлида фотоаппарат бор эди. Биринчи марта купе ичида Картик бизларни расмга туширди. Сўнгра қиз Картик билан бизларни туширди, кейин купедан ташқарига чиқдик. Поезд қаердадир тўхтаганда коридорда ва ерда ҳам расмга тушдик.

Поезд Қаршига келиб тўхтаганда Картик ва ҳинд қиз бизларни кузатишга тушишдилар. Қиз худди ўзимнинг туғишган қизимдек, мени кучоқлаб расмга тушиб хайрлашдик. Поезд узоққа кетиб кўздан ғойиб бўлгунча бизлар ҳам қўл силкиб турдик...

Туман судига ҳар куни хат келади. Мен девонхона мудирига тайинлаб қўйган эдимки, агар Душанбедан хат келса албатта ўзимга беришини айтган эдим. Бир куни Бўрон Қўйлиев деган укамиз, у суд котиби эди, кўлида бир конверт билан келиб, бу хат менга келганлигини айтди. Очиб қарасам, инглизча ва икки хил почерк билан ёзилган. Бошида Картикники ва охирида ҳинд қизи "Папа" деб русчалаб ва "Додо" деб тожикчалаб ёзган экан. Мен ўғлимга хатни бериб инглиз тили муаллимасидан таржима қилиб беришини сўрадим ва ҳарфма-ҳарф таржима қилиб юборган экан. Хатнинг мазмунини бўйича Картик ва ҳинд қизим Душанбедаги ётоқхонага жойлашганини, тўғарақларга қатнашаётганини, тожик тилини ўрганаётганлигини, дарслардан фақат "беш" баҳо олаётганлигини маълум қилган экан. Хат текстини ёзиб яна ўша муаллимга таржима қилдириб жавоб юбордим. Аммо бошқа хат олмадим ҳиндистонлик қизимдан. Икки марта Душанбе университетига ва тиббиёт олийгоҳига хат ёздим, лекин бирортасига ҳам жавоб келмади. Шундай қилиб ҳар доим ҳинд қизимни эслаб кўяр эдим, мана у ҳақда ёздим.

## САДАН ПОЛВОН

Муборак туман судида Минин Анатолийнинг жиноят ишини кўрмоқчи бўлдик. Судланувчининг эҳтиёт чораси тергов даврида ўзгартирилиб қамоққа олинган эди. Уни конвой суд залига олиб келган эди. Суд ҳайъати кириб келиб раислик этувчи Каримов Абдурахмон Ҳайтович бизларга мурожаат этиб, ўтиришларингизни сўрайман дегач, ҳаммамиз жой-жойимизга ўтирдик. Раислик этувчи судланувчининг шахсини аниқлагач, суд терговини кимдан бошлаш ҳақида ушбу сатрлар эгасининг фикрини сўради ва суд муҳокамасини судланувчидан бошлашга суд ажрим чиқарди. Шу пайт суд зали эшиги ланг очилиб, бошини куйига энгаштирган ҳолда бир киши кириб келди ва менинг қарама-қарши томонимга қўйилган стулга ўтирди. Мен бу кишини биринчи марта кўришим эди. Шу сабабли туман суди раисидан сўраганимда: "Кеча туман прокурори телефон қилиб ёрдамчи прокурор келганлигини маълум қилган эди. Шу киши бўлса керак", - деди ва судда прокурор ёрдамчиси иштирок этади, деб эълон қилиб фамилияси Саидов эканлигини билдирди. Суд жараёни давом этди.

Мен судланувчининг айбини енгиллаштирувчи бир нечта саволлар бердим. Шунда прокурор ёрдамчиси сал энгашиб "Ака, сизни ураман" деди. Мен полвоннинг гапига ишонмаган эдим. Раислик этувчи тушлик овқатга ҳаммамизга жавоб берди. Милиция ходимлари аввал залдаги одамларни чиқариб, кейинчалик қамоқдаги Мининни олиб кетишдилар. Мен эса ўрнимдан туриб судьянинг хонасига кирадиган эшикдан бир қадам қўйишим билан елкамга бир нарса келиб тушди. Ўтириб қолдим ва кўзим қоронғилашди. Ўрнимдан туриб урган кишига мен ҳам қўл кўтардим. Буни суд раиси кўриб қолиб менга дашном берди. Жавобига мен Абдурахмон Каримович, агар менинг елкамга тушган лапатка сизга тушганда сиз ўрнингиздан ҳам тураолмай қолар эдингиз, дедим. Шунда у киши полвонга қараб "Биринчи кундан адвокатни урдингизми?" - деб қўйди, холос. Ҳаммамиз уй-уйимизга тушликка кетдик. Кейин мен ишга келмадим, суд раиси телефон қилиб ишга келинг, деса ҳам бормадим. Кейинчалик у киши туман прокурорига айтган экан. Бир вақт уйимизга туман прокурори келиб қолди. Ўтириб анча гурунглашдик, суҳбатимиз давомида у киши ўзининг ёрдамчиси Саидовнинг қилган ишини ҳозир суд раисидан эшитганини айтиб бериб, ёрдамчиси учун мендан кечирим сўради. Эртасига яна судда Саидов билан учрашдик, салом-алик бўлмади. Суд жараёнида у киши прокурор сифатида ва мен оқловчи сифатида қатнашдик. Ишни тамомладик. Минин олти ойга озодликдан маҳрум этилди.

Орадан бир ҳафтача вақт ўтгач "Дўстлик" кўрғон-маҳалласидаги коттеж бўшлиғи учун Саидов оиласи билан кўчи келди. Бир жойда яшаб, ишлаб юрдик. Бир куни кечқурун телефон жиринглади, гўшагини кўтарсам полвон экан. - Ока, келингииз бедана гўшти ва зигир ёғидан палов қилган экан, сиз келмасангиз бўлмайди", - деб қолди. Уйладим, нима қилсам экан деб. Бирга ишласак, устига устак

кўшни бўлиб қолдик, қилган ножўя иши учун кечирим сўраган бўлса, мен ёшим каттароқлиги учун Саидовнинг уйига келдим. У киши уй кийимда бир ўзи ўтирган экан, дўстона саломлашдик. Ош сузилди, кўк чой билан меҳмон қилди. Гурунглашиб ўтирган вақтимизда полвон: -Нарзулла ака, мени яна бир бор кечиринг, менинг бир одатим бор, бир уришиб кейин дўст бўлиб кетаман, -деди. Шу бўлдию бизлар дўст, иноқ бўлиб кетдик.

Бир куни Қарлиқ қишлоғига тўйга бордик. Хўжалик раҳбари курашли тўй қилаётган экан. Мен, туман прокурори, суд раиси, ички ишлар бўлими бошлиғи ҳамма қатори тўйда иштирок этдик. Кураш бўлади, деб эшитган экан Саидов ҳам келиб қолди. Тўйда давра раислигини туман ички ишлар бўлими ДАН бўлинмаси бошлиғи, милиция капитани Қоржов Пўлатов бошқарар эди. Аввалига ёш полвончалар ўзаро куч синашдилар. Навбат биринчи товоққа келди. Бунга бир туя ва қанчадир пул қўйилганини давра раиси эълон қилди. Қўшним Саидов ҳам келиб қолди. У кишига ҳазиллашиб, "Полвон, курашга келган бўлсангиз бир тушинг қани, кўрайлик", - деб қолдим. Полвон кийимларини ечабошлади, мен биринчи марта полвонларнинг кийимлари алоҳида бўлишини шу ерда кўрган эдим. Қисқаси, Саидов биринчи товоққа чиқди. У киши даврани бир марта тўлиқ айланиб чиқди, лекин ҳеч кимнинг юраги дов бериб курашга чиқмади. Тўй даврасида шундай қоида бор экан, агар полвон даврани уч марта айланса, ҳеч ким курашиш учун чиқмаса, товоққа қўйилган зот ўша кишиники бўлар экан. Бизлар ҳам полвонимизга "мухлислик" қилиб турдик. Мен чой қуйиб бериб турган вақтим кўз қирим билан полвоннинг кураш услубини кўриш учун қараб ҳам қўяр эдим. Бир пайт бизнинг полвон иккинчи марта айланиб бўлган вақтида бўйлари калта, Саидовнинг киндигидан ҳам келмайдиган бир бухоролик полвон чиқди, иккаласи саломлашдилар ва давра раисининг ишорасига кўра иккаласи олиша бошлади. Бир вақт қай кўз билан кўрайки, икала полвон ҳам оёғи осмондан бўлиб йиқилди. Ўша ердаги одамлар, "ҳалол, ҳалол" деб қийқирдилар. Эълон қилинган зот бухоролик полвонга бериш арафасида тўй давра раисининг эълонини эшитдик, бунга кўра "Садан полвонга бир кўчқор" деган овозини тингладик. Мен полвонимизнинг "Садан полвон" деб аталишини биринчи марта шу тўйда эшитган эдим.

## **КОМУСИМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИМИЗ ГАРОВИ**

Она Ўзбекистон мустақилликка зришганига 14 йил тўлган йилда қонунчилик соҳасида ҳам улкан муваффақиятларга зришдик. Ўзбекистоннинг қонун чиқарувчи органи бўлмиш парламентимиз - Олий Мажлиснинг 2003 йил 24 апрель куни бўлиб ўтган навбатдаги сессиясида асосий қомусимиз - Конституциямизга ўзгартиришлар киритилди.

Конституциямизга киритилган бу ўзгартириш ва қўшимчалар жамиятимизни демократиялаштириш сари қўйилган улкан қадам

бўлди. Давлат бошқарувида халқнинг иштирокини кенгайтиришга эътибор берилди. Ўзбекистон халқи узоқ йиллар колониал тузумда ва кейинчалик тоталитар тузумда ҳаёт кечиришга мажбур бўлди. Мустақилликнинг дастлабки йилларида кучли ижро ҳокимияти ва марказлашган давлат тизимига бўлган эҳтиёж туфайли ва ўтиш даври талаблари асосида бир палатали парламент ва кенг ваколатга эга бўлган Президентлик республикаиси жорий қилинган эди. XXI асрнинг бошига келиб дунёдаги 70 дан ортиқ мамлакатлар давлат ҳокимияти қонун чиқарувчи ҳокимият бўлган парламентлар родини оширишга қаратилган ислохотлар ўтказиб, мамлакат ва халқ фаровонлиги йўлида ўз олдига қўйган мақсадга эришаётганлиги ҳам Ўзбекистонга давлат ҳокимияти бошқарув тизимида жиддий ўзгартиришлар қилишга туртки берди.

Конституциямизга киритилган ўзгартириш ва қўшимчаларга тўхталадиган бўлсак, улар 2002 йил 27 январь куни бўлиб ўтган умумхалқ референдуми яқунлари билан боғлиқ бўлиб, Олий Мажлис томонидан қабул қилинган "Референдум яқунлари ҳамда давлат ҳокимияти ташкил этилишининг асосий принциплари тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Сенати тўғрисида"ги, "Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлисининг Қонунчилик палатаси тўғрисида"ги Конституциявий Қонунлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси олий давлат вакиллик органи бўлиб, парламентимиз икки палатага, яъни беш йил мuddатга сайланадиган 120 депутатдан иборат қуйи палата-Қонунчилик палатаси ва 100 депутатдан иборат Сенат - юқори палатадан иборатдир. Янги тартибдаги палата шакллантирилиб, ўз фаолиятини бошлагандан сўнг Ўзбекистон Республикаси Қонунлари Қонунчилик палатасида қабул қилиниб, Сенат томонидан маъқулланиб, Ўзбекистон Республикаси Президенти томонидан имзолангач ва қонунда белгиланган тартибда расмий нашрларда эълон қилинган, юридик кучга эга бўлади.

Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 89-моддасига кўра, Президент Ўзбекистон Республикаси давлат ва ижро этувчи ҳокимият бошлиғидир. Эски тахрирдаги Конституциянинг мазкур моддасида мавжуд бўлган "Ўзбекистон Республикаси Президенти айна вақтда Вазирлар Маҳкамасининг Раиси ҳисобланади" деган бандининг чиқарилиб ташланиши амалда Бош вазирнинг ваколатини ошириб, ижро ҳокимиятининг жаҳон андозалари асосида қайта ташкил қилинишига имконият берди. Бундан ташқари муқаддам Президентга тегишли бўлган баъзи ваколатлар энди Сенатга берилганлиги ҳам давлат ҳокимиятини демократиялашга қаратилган ислохотдир.

Албатта кичик мақолада Ўзбекистон Республикасининг Конституциясига киритилган барча ўзгартириш ва қўшимчаларни тўлиқ шарҳлашнинг иложи йўқ. Юқорида кўрсатилган янгилıklar фуқароларнинг асосий Қонунимиз моҳиятини тўлиқ аңгашларига хизмат қилади.

## ҲАМКАСБ

1974 йил октябрь ойи охирлари эди. Раҳбар мени ҳузурига чақириб, икки ойлик малака оширишга боришимни айтиб қолди. Самолётда учиб ҳаёл ўтмай ўзимни пойтахтнинг аэропортида кўрдим. Сафар гувоҳномада бораётган жойим аниқ кўрсатилгани сабабли мен қийналмасдан "Партшкола" бекатига етиб бордим. Олти йил Тошкентда талаба бўлганим учун ҳам у ерни қийналмасдан топдим. Бекатдан тушиб қолиб йўлнинг у томонига ўтдим. 3 қаватли ҳашаматли бино. Бу ер Ўзбекистон Министрлар Совети ҳузурдаги раҳбар кадрларнинг малакасини ошириш олийгоҳи эканлигини эшик пештоқидаги ёрликдан билиб олдим. Ичкарига кирсам менга нотаниш одамлар кўп экан. Кимга мурожаат қилишимни билмай турган эдим, ўзимдан чамаси 4-5 ёшлар кичикроқ йигитни учратдим. У киши ўзини Шавкат Эшонқулов Қашқадарё вилоят ижроия қўмитаси раисининг ёрдамчиси, деб таништирди. Мен ҳам ўзимнинг кимлигимни айтдим. Икковлашиб "Умаров" деб ёзиб қўйилган хона эшигини таққиллатгач, "Кираверинглар" деган овозни эшитиб ичкарига кирдик. У киши бизларни ўтиришга таклиф этиб, сиз қайси вилоятдан ва нима иш қиласиз, деб сўраб олдилар ва бизлар гапираётганда ёнидаги қоғозчага ниманидир ёзиб қўйдилар.

Директор тугмачани босган экан шекилли, бир йигит келди, бизлар билан танишгач, директоримиз бу йигитларга яхшироқ жойлардан беринг, деб комендантга тайинлади. У киши бизлар иккаламиз учун бир хонани белгилаб берди.

Эртасига соат 8 да бино ичидаги катта залга йиғилабошладик. Мен Шавкат билан ўша ерда тамадди қилиб бўлиб, бизлар ҳам залга кирдик. Орқароқдаги ўриндиқларга бориб иккаламиз жойлашган вақтимизда соат миллари саккизни кўрсатар эди. Залда одам кўп. Республикамининг ҳамма вилоятларидан келишган вакиллар ўтиришибди. Бир вақт эшик очилиб, директоримиз кириб келдилар. Бизлар ҳаммамиз у кишининг ҳурматини жойига қўйиб ўрнимиздан туриб кутиб олдик. Директор Умаров ҳаммамизни ўқишнинг бошланиши билан табрикладилар. Шу ерда икки ой ўқиб, декабрь ойининг 31 кунини диплом оласизлар, кейин уй-уйларингизга жавоб бераман, дедилар. У кишининг гапи шу ерга келганда залда ўтирган бир аёл киши ўзини Қорақалпоғистондан келганлигини, 31 декабрь кунигача ўқиш у кишига ёқмаганини, янги йилни поездда кутмаслигини гапириб ташлади. У кишидан сўнг Самарқанд вилоят ижроия қўмитаси умумий бўлими бошлиғи Зулфия опа Қаршиева сўзга чиқиб, олийгоҳда ўқишни 28-29 декабрларда тугатишини директордан сўради. Умаров кўпчиликнинг гапига рози бўлди ва 29 декабрда жавоб беришини айтди. Директор гапининг охирида ҳар бир "студент" диплом иши ёзиб ҳимоя қилишини ҳам тайинлади. У киши ўтирганларнинг ҳаммасига омад тилаб қолди. Бизлар шу кундан бошлаб икки ойлик "студент" бўлдик. Ўқийшимиз, ётоқ жойимиз, емакхонамиз ҳаммаси бир бинонинг ичида экан. У ерда каттагина

кутубхона ҳам бор эди. Мен ўқишимиз бошланган куннинг эртасигаёқ диплом ишини ёзиш учун ҳаракат қила бошладим. Кафедра мудирини, юридик фанлари доктори Михайловга учрашдим. У киши тема танланг, деди. Мен халқ ҳўжалигида ҳуқуқий ишлар, деган темани танлаб олиб, ёза бошладим. Бунинг учун кутубхонадаги адабиётлардан унумли фойдаландим.

Ҳар куни дарс тамом бўлгач, биров кинога, биров шаҳарни айланиб келишга, Шавкат билан мен эса кутубхонага борамиз. Ўтириб икки-уч соат давомида ёзамиз. У ҳам бир темани танлаб олиб, диплом ишини мен каби ёза бошлаган эди. Ноябрь ойининг тахминан 25 ларида қўлёзмаларимни тайёрлаб профессорга олиб бориб бердим. У киши бир ҳафталардан сўнг менга учрайсиз, дедилар. Орадан 10 кунлар ўтгач домланинг ёнларига борсам, тегишлича ўзгартиришлар киритиб қўйган эканлар. Ўғлим, яна озгина ёзганингда фан кандидатлигини ёқласанг ҳам бўлар эди, деб қўлимсираб қўзатган диплом ишини қўлимга тутқаздилар. Иложи бўлса тезроқ машинкадан чиқаришимни тайинладилар.

Эртаси қўлёзмамни кўтариб бино ташқарисида турган вақтимда кимдир исминини айтиб чақирди. Қарасам Аслам ака кўчадан ўтаётди, мени кўриб қолган эканлар. Мен у кишининг ёнларига бордим. Иккаламиз ака-укалардек қучоқлашиб саломлашдик. Иккаламиз ҳам самарқандлик, иккаламиз ҳам ҳуқуқшунос ва бир вилоятда хизмат қилаётганлигимиз учун Аслам Абдуганиевич Қаримов билан аввалдан таниш эдим. Шу пайт Аслам ака: -Нимага гамгинроқ кўринасан, нима гап?, -деб сўраб қолдилар. Мен қўлёзмамни кўрсатиб, шуни машинкадан чиқараолмай қийналиб юрганлигимни айтиб бердим. Шунда Аслам ака "Мен билан бирга юр, Ислом акангни ёнига олиб бораман, у кишининг котибаси машинкадан чиқариб беради, кетдик" дедилар. Иккаламиз "Ўзбекистон республикаси Давлат План Қўмитаси" деб ёзиб қўйилган бино ёнига келдик. "Сен қуғиб тур, мен ҳозир келаман", деб Аслам ака телефонга кетдилар. Бироздан сўнг қайтиб келиб Ислом аканг ҳозир тушади, дедилар. Шу орада Ислом аканинг кимлигини сўраб суриштириб олдим. "Менинг туғишган укам, мендан икки ёш кичкина, ана келаяпти", дедилар. Қарасам, қўллари чаққон ҳаракат қилган ҳолда юқори қаватдан Ислом ака тушиб келдилар. Икки ака-ука қучоқлашиб саломлашдилар. Мен билан Ислом ака қўл бериш кўришдилар. Уччаламиз бир неча дақиқа гаплашганимиздан сўнг Ислом ака ишхонасига тақлиф этдилар. Лифтдан кўтарилиб юқори қаватга чиқдик. Ўнг томонга бурилиб Ислом аканинг хонасига кираётганимда русчалаб "Бўлим бошлиғи И.Қаримов" деб ёзилган ёзувларга кўзим тушди. Ислом ака иқтисод фанлари номзоди эканлиги ҳам ўша тахтачага ёзилган экан. Иш жойида анча гаплашилди. Гап навбати менга келганда Аслам ака укаларига қараб "Нарзулла, ҳамкасбим, ҳозир Тошкентда малака ошираётибди. Унинг диплом ишини агар иложи бўлса котибангизга айтиб машинкадан чиқариб берсангиз", дедилар. Ислом ака ўтирган жойидан стол остидаги тўғмани босган эдилар, ёшлари қарироқ, рус миллатига

мансуб котиба аёл кириб келиб қулоғим сизда, дедилар. Менинг қўлимдаги диплом ишимни Ислом ака олиб котибасига бериб дам олиш кунлари иложи бўлса ёзиб беришини сўради. У киши албатта, деб чиқиб кетдилар. Анча гаплашиб ўтиргач, бизлар кетишимизни айтдик. Бизни кузатиб қўяркан, диплом ишини бир хафталардан сўнг келиб олиб кетишимни тайинладилар.

Орадан 7-8 кун ўтгач мен иккинчи марта Ислом аканинг ишхонасига келдим. Ислом ака котибани чақирдилар. У киши қўлларига уч нусхада чоп этилган, муқоваланган менинг диплом ишимни олиб келдилар. Институтимизнинг оти, менинг фамилиям, исмим ва отамнинг исми ҳамда Тошкент шаҳри 1974 йил деб зарҳал ҳарфлар билан муқоваси устига ёзилган экан. Бу диплом ишимни кўрган Ислом ака ҳазиллашиб, "Нарзулла, албатта беш баҳога ёқлайсиз", дедилар. Фаришталар омин, деган эканми, Ислом аканинг айтгани бўлиб, мен диплом ишимни "аъло" баҳога ёқлаган эдим.

Шундай қилиб 29 декабрь куни олийгоҳ билан хайрлашиб, уйимизга жўнадик. Уйга келгач, Аслам акага кўнғироқ қилиб диплом ишимни машинкадан чиқаришдаги беғараз ёрдами учун миннатдорчилик билдирган вақтимда: "Нарзулла, раҳматингни Ислом аканга айт" - дедилар. Мен диплом ишимни аъло баҳога ёқлаганим, институтдан гувоҳнома олганим ҳақида Аслам акага гапириб бердим. Аслам ака ўша даврларда шаҳар судининг раиси эдилар. Бир неча вақтдан кейин мен Қашқадарёга адвокат бўлиб ишга кетиб қолдим. Кейинчалик Аслам аканинг вафот этганини эшитдим ва у кишининг уйларига бориб фотиҳа қилдим. Мен Аслам акани ҳамкасбим, юрагимга яқин бир инсон сифатида ёдлаб тураман ва дуога қўл очиб у кишини эслайман.

### **ҲАЙИТ РАИС**

"Муборак" қоракўлчилик-наслчилик қишлоқ хўжалик (кооператив) ширкат хўжалигига чорак асрдан кўпроқ вақтдан бери олий маълумотли мутахассис Оқмаматов Ҳайит раҳбарлик қилиб келарди. 1928 йилда ташкил этилган "Муборак" хўжалиги ўтган давр ичида давлатга 18 миллион 196 минг 642 дона қоракўл тери, 200174 тонна гўшт, ўттиздан ортиқ мамлакатларга 200143 бош наслдор қўчқор ва совлиқлар сотган. Бу йил бу кўрсаткичлар янада кўпаяди, дейди раис. Маъқур фактлар мубораклик чорвадорлар қоракўлчиликни халқимизнинг миллий қадриятларининг бири сифатида сақлаб ва ривожлантириб келаётганликларини исботлаб турибди.

Молларнинг озуқа базасини мустаҳкамлаш, шу асосда чорвачилик маҳсулотларининг мўл-кўлчилигини таъминлашга астойдил бел боғлаган хўжалик аъзолари эрта баҳорда 15 гектар ерга беда эккан эдилар. Ерлар сифатли қилиб тайёрланган, об-ҳавонинг ниҳоятда қулай келгани учун экилган беда уруғлари тўла ва текис униб чиқди.

Моли тўқнинг - кўнгли тўқ, дейди халқимиз. Ёз, куз ойларида тадбиркорлик билан ишлаган, чорва моллари учун кўплаб миқдорда тўйимли озуқа жамғарган чорвадорларнинг қишлоқда молларининг емишидан кўнгли тўқ, ютуқлари ҳамиша кўп бўлади. Хўжалик



чорвадорлари бу ақидага қатъий амал қилган ҳолда ишляптилар. Булар вилоятимиздагина эмас, мамлакатимиз миқёсида ҳам қоракўлчилик борасида етакчи ўринни эгаллаб келаётганликлари, чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш, давлатга сотиш режаларини ортиғи билан бажараётганликлари аввало чорванинг озуқа базасини мустаҳкамлаб келаётганликларининг самарасидир.

Ҳўжалик яйловларида 78 минг бош қўйлар боқилаяпти. Шу йил ўстиришга қолдирилган кўзилар семиз ва соғлом. Бу чўпон-чўлик ва мутахассисларимизни яна ҳам яхши ва самарали ишлашга руҳлантиради. Биз қишлоқ учун етарли озуқа жамғарганмиз. 246 гектар ердаги бедадан мўл ҳосил олдик. Ҳозирда ҳўжаликда 6 та беда ўриш, 6 та пресслаш техника воситалари, 17 та трактормавжуд бўлиб, улар 47 нафар ишчиларимизга чорва озуқаларини жамғаришда қўл келмоқда. Ҳўжаликнинг олтита кичик ширкатида ҳам озуқа жамғарилди. Бу кичик ширкатларда кунига 400-500 донадан беда пресслашга эришдилар. Об-ҳавонинг яхши келиши оқибатида икки-уч йилга етадиган озуқа тўплаш мумкин. Яйловларда ўт жуда ҳам мўл бўлгани уларга яна қўл келди.

Мубораклик чорвадорларнинг энг катта ютуқлари шундаки, улар ҳамиша бир оила аъзоларидек ҳамжиҳатлик ва аҳиллик билан ишляптилар. Ҳўжалик раиси Ҳайит Оқмаматов жамоанинг куч ва ғайратини ҳамиша ягона мақсад йўлида бирлаштириб, ишга солиб борарди, уларга ғамхўрлик, меҳрибонлик ва амалий ёрдам кўрсатарди. Бундай ҳамкорлик эришилаётган ютуқларнинг асосий омилларидан бири бўляпти. Ем-ҳашак жамғариш борасида эришилаётган натижалар келгусида чорва молларининг сонини янада кўпайтириш, маҳсулдорлигини оширишнинг гарови бўлади.

Ота-боболаримиз бизларга уйқудан кечсангиз, меҳнатдан қочмасангиз, чўлда қўй ҳеч қачон оч қолмайди. Қўй кўзидан кўпаяди, деб ўргатганлар. Қурғоқчилик йилларида сурувдаги қўй ва кўзиларни кўшни туманлардаги ғалладан бўшаган майдонларга, тоғларга, ҳўжалигимиздан юзлаб километр олисдаги яйлов ва тўқайзорларга ҳайдаб бориб машинада, тракторларда ташиб бориб, боққан эдик. Бунинг учун чўпонларга ва мутахассисларга доимо ёрдам бердик. Уларни кўллаб-қувватладик. Бирор йил ҳам кузда совлиқларни сунъий қочиришни, баҳорда кўзиларни ҳисоб-китоб қилиш ва наслчилик тadbирларини бажаришни қанда қилмадик. Ҳар йили ҳар юз бош совлиқдан камида юз бошдан кўзи олдик. Яйлов чорвасини сотиб олиб кўпайтириб бўлмайди. Сотиб, сўйиб тугатиб ҳам бўлмайди.

Республикаимиз мустақилликка эришгач, Президентимиз Фармони билан чўпонларнинг болаларини фақат муқобил хизматга жалб этадиган, бу хизматларни улар яйловда ўтказадиган бўлишдилар. Бу чорвачиликни ривожлантириш борасида жуда катта ғамхўрлик бўлди. Бунинг учун Президентимиз Ислom Каримовга чорвадорларимиз номидан миннатдорчилик билдираимиз. Чўпонлар чиқим бўлишига йўл

қўймагани учун, ўстиришга кўплаб ургочи ва эркак қўзиларни қолдирганлиги, кўчқорлар етиштиргани, гўшт ва жун топшириш режаларини бажарганликлари учун қўшимча мукофотлар олишди. Моддий манфаатдорлик чўпон-чўликларни ҳам, хўжаликни ҳам бақувват қилмоқда. Бу ўй фикрлар Хайит ака билан замондош бўлган чорвадорларнинг ҳёт фалсафаларидир.

### МУХИДДИН ДҲУТИР

Одамнинг яхшилиги, самимийлиги, дилохунлиги унинг юз-кўзларида, хатти-ҳаракатида намоён бўлади. Шифокор сифатида ўз ўрнига эга бўлган инсон Муҳиддин Садиновчи Раҳмонов ана шундай инсонлардан биридир. У дунёга келган вақтида отаси Садинбобо "Худойим баракали умр берсин, ҳаётида фақат эл-юрт учун яхшилик билан хизмат қилсин", деб дуо қилган экан. Олтин олма, дуо ол, дейди халқимиз. Шу боис бўлса керак мудом яхшилик кўчасидан ҳалол ва самимий хизмат кўрсатиб келаётган дўхтирни Муборақ аҳолиси яхши танийди, десак муболаға бўлмас, чунки қўли енгил шифокордан даво топган қанчадан-қанча юртдошларимиз ундан миннатдор эканликларини таъкидлашади. Биз туманнинг бош терапевти ҳақида икки оғиз гапириб беришини сўраб туман соғлиқни сақлаш бўлими бош ҳақимига мурожаат этдик. -Ички касалликлар бўлими бошлиғи Муҳиддин Раҳмонов ҳақида фақат яхши гапларни айтиш мумкин, -деб бошлади Ҳамро Чўлиев. -Ишлаганига анча йиллар бўлди, хозиргача бирорта бемор у кишидан шикоят қилиб келган эмас. Касаллардан ёзма ариза ҳам тушган эмас. Ўз ишининг устаси, берилган топшириқларни ҳар доим ва "аъло" даражада бажаради. Ҳар ҳафтанинг душанба куни бизларнинг "пятиминутка"миз бор, у ерда Раҳмоновнинг танбех зшитганини билмайман, ўзига ва қўл остида ишловчи ҳамшира ва врачларга гап текизмай ишлайди, шу сабабли мен унинг раҳбари сифатида билимли, тажрибали ҳақим дейман, деб гапини тугатди бош ҳақим.

Муҳиддин Раҳмонов 1963 йилда Самарқанд вилояти, Пастдаргом тумани, собиқ Киров номли колхознинг "Меҳнатобод" кишлоғида туғилган, ўша ерда мактабни яхши ва аъло баҳоларга тамомлаган Муҳиддин Самарқанд тиббиёт олийгоҳига ўзининг билими билан кирган ва тиббиёт олийгоҳини 1986 йилда тамомлаб, Мубораққа йўлланма билан ишга келган эди. Бу ерга келиб дўст орттирди, олийгоҳда олган илмларини ҳаётга татбиқ эта бошлади, изланди ва ўзининг тажрибасини оширди.

-Касбим сирларини пухта эгаллашимда ёрдамларини аямаган Рўзигул Наврўзова, Гавҳар Абдиназарова каби ҳақимларни устозларим десам арзийди, -дейди Муҳиддин ака, -мен ёш мутахассислик пайтларим улардан ҳам кўп нарсалар ўрганган эдим. Нимагаки зришган бўлсам Самарқанд тиббиёт олийгоҳининг профессори Бобоқул Рустамов ва Вера Ильничларнинг берган ўғитлари ва билимлари туфайлидир. Туман марказий шифохонасининг ички касалликлар бўлимига келган ҳар бир касални обдон текшираман, лаборатория анализларига эътибор бераман.

Мендан шифо излаб келган беморларни ўз дардларига даво топиб оилалари бағрига қайтишларига ёрдамлашаман. Бўлимимизда ширин сўз саломатлик посбонларидан Асқар Эшимов, Қўйли Гулмуродов ва Тўйчи Жуманов каби ҳақимлар, Сафаргул Юмвитова, Зулфия Қаршиева сингари ҳамширалар эл дардига дармон бўлишмоқдалар.

Муҳиддин камтар ва камгап. У оз гапириб кўп иш қиладиган инсон. Ўша ердаги таклиф ва шикоятлар дафтаридан. Жўра ака Қобилов, Оққи бобо Отаниёзов, Гулсара момо Холманова каби кўплаб ҳамшаҳарларимизнинг Муҳиддин дўхтир номига ёзилган дил сўзларини ўқидик.

Муҳиддин Муборак шахрининг "Қурувчилар" кўргонида истиқомат қилади. Оиласи Танзила Ашурова билан беш нафар фарзандларини тарбиялаб келишмоқда. Катта қизи Шаҳноза Зулфия мукофоти соҳибаси бўлди. Ҳозир у республика Миллий университетининг филология факультетига таҳсил олаётир. Газета саҳифаларида Шаҳнозахоннинг кичик-кичик шеърлари чоп этиб турилади. У бўлажак шоирадир. Иккинчи қизи Феруза тиббиёт билим юрти талабаси, ота изидан бормоқда. Келгусида ҳақим бўлиш нияти бор. Адҳам, Насиба ва Азаматлар коллеж ва мактабларда ўқишмоқдалар. Муҳиддин дўхтир оиласи маҳалладаги ҳурматта сазавор оилалардан бири ҳисобланади.

Ҳақиқатан ҳам, ҳар ким ўзининг меҳнатига тўғри ва сидқидилдан ёндошса, ўз касбини севса ва қадрласа, сабр-қаноатли бўлса Муҳиддин дўхтирдек халқ эъзозига сазовор бўлади. Тумандаги тиббиёт жонқурларидан бири ҳисобланган Муҳиддин Раҳмоновнинг Мустақилликнинг ўн йиллиги медали билан тақдирланиши ҳам унинг меҳнатига берилган муносиб баҳодир.

## САРВАРА

Самарқанд вилоят, Пастдарғом туманидаги собиқ "Ўзбекистон 40-йиллиги" хўжалигининг "Меҳнаткаш" қишлоғи республикамиздаги кўркам қишлоқлардан бири ҳисобланади. Қишлоқнинг ўнг томонида "Ҳазрати Довуд" зиёратгоҳи жойлашган. Бу ерга нафақат вилоят аҳолиси, балки бошқа вилоят туманларидан ҳам одамлар келиб зиёрат қилганларини биламан. 3-4 қақирим узоқликда тоғдаги баландликка одамлар аста-секин кўтарилишадилар, зиёрат қилиб бўлишгач, ластга тушишиб, ўзлари билан олиб келишган жонлиқ (эчки, қўй, таналарни) сўйишиб, бола-чақалари билан ейишиб, ўйин-кулги ва хурсандчилик қилишадилар. Улар кимнингдир хонадонидан гилам, кўрпа-ўшақлардан ва идиш товоқлардан фойдаланган бўлишса эгасига қайтариб бериб, сўйилган жонлиқнинг гўштидан қолдириб раҳмат айтишиб кетадилар.

1967 йилнинг сентябрь ойи бошлари. Шу қишлоқда яшовчи Сувонов Оқбўта аканинг уйига ҳамқишлоқлари йигилишган, хотин-халаж алоҳида, эркаклар алоҳида уйларда ўтиришди. Ҳамманинг юзига табассум, узоқдан келаётган қариндош-уруғлар "Қизча муборак, тиллога ботиб қолибсизда", деб чақалоқнинг отаси ва онасини табриклашар эдилар. Бошқа бир хонада янги туғилган чақалоқнинг

жарангдор овози эшитилиб турар эди. "Киз кутлуг бўлсин" учун келган меҳмонлар алламаҳалгача гурунглашиб ўтиришди. Қишлоқнинг кайвониси қизалоқнинг отини нима қўйдингиз, деб уй эгасига мурожаат этганида "Ҳали тугилиш гувоҳномасини ологаним йўқ, агар малол келмаса қизчага исми сизлар қўясизлар", деди. Ўтирганлар бир огиздан "Сарвара" дейишиб, дастурхонга фотиҳа ўқишиб тарқалишдилар.

Орадан бир неча йиллар ўтди, қизалоқ Сарвара қишлоғидаги №14-сонли мактабга қатнай бошлади. Кунлардан бир куни муаллимаси келажакда сен ким бўлмоқчисан, деб сўраганда Сарвара ҳеч иккиланмасдан сизга ўхшаш муаллима бўламан, деб жавоб берган эди. Кунлар кетидан кунлар ўта бошлади. Қаҳрамонимиз мактабни тамомлаб, ўрта маълумот олгач, бир куни амакисига мен педагог бўлиб, ёш авлодни тарбиялашга ҳиссамни қўшиш ниятим бор, бирор-бир ўқув юртига киришим керак, деди. Амакиси Сувонов Эсон билан биргаликда етаклашиб Самарқанддаги педагогика техникумига боришди. Икки йил тезда ўтиб кетди. Сарвара техникумни яхши баҳолар билан тамомлаб, бошланғич синф ўқитувчиси, деган шарафли номга муяссар бўлди.

1986 йил апрель ойида лола сайлида Ўткир Ўсаров билан танишди, кейинчалик шаҳарда учрашиб юришди. Бир куни совчилар келишиб онаси ва акаларининг розилигини олишди. Тўй ҳам бўлиб ўтди. Фарзандлари дунёга келабошлади. Ҳозир муаллиманинг икки ўғил ва қизи бор. Уларнинг ҳаммаси онаси ишлаётган Муборак туман Миртемир номи мактабда ўқишяптилар.

-Тақдир тақозоси билан Қашқадарё вилоят Муборак туманидаги собиқ "Туркистон" хўжалигига кўчиб келдик. Турмуш ўртоғим шу хўжаликка ишга кирди, мен эса Миртемир номи мактабга ўқитувчи бўлиб ишга жойлашдим. Шундан бери баҳолиқудрат шу ерда ёшларга билим бериш билан шуғулланиб келаяпман, - деди биз билан суҳбатда муаллима.

Мактаб директори Сарвара Сувонованинг педагогикага оид мақолалари ва шеърлари туман сиёсий-ижтимоий газетаси "Муборак ҳаёти" да ҳамда "Қашқадарё зиёкори" газеталарида чиқиб туришини, мутахассислиги бўйича ўтказилган кўрик-танловда биринчи ўринни олганлигини, туман ва вилоят халқ таълими бўлими ва бошқармасининг "Фахрий Ёрлик"лари билан тақдирланганлигини айтиб берди. Туман халқ таълимидагилар Сарваранинг ёш авлодни тарбиялашдаги хизматларини эътиборга олиб, "Халқ маорифи аълочиси" унвонига тақдим этилишини билдирди. Муаллима ҳозирги кунда ўзининг билимини ошириш ниятида Қарши Давлат университетидан сирдан таълим олиб, уни битириш арафасида эканлигини, маҳалла аҳли унга ишонч билдиришиб, халқ депутатлари маҳаллий Кенгашига 18-сонли Гулшан сайлов округидан сайланганлигини айтиб берди.

Ёш, талабчан, билимдон, моҳир муаллима Сарвара Сувоновага

мустаҳкам соғлиқ, келажакимиз бўлган ёш авлодни тарбиялашдек улуг ва шарафли ишларида омад тилаб, хайрлашдик.

## САВОБТАЛАБ БОБО

Муборак газни қайта ишлаш заводиаг қарашли ётоқхона Муборак шахрининг қоқ ўртасида жойлашган. Ётоқхонада асосан заводнинг оилалик ишчи ва хизматчилари яшайди. Ҳокимиятлар томонидан юборилган битта- яримта фуқоролар ҳам уларга қушилиб истиқомат қиладилар. Ётоқхонада яшовчиларнинг кўпчилиги заводда смена билан ишлайдиган ишчилардир, уларга вахта автобуси беришган. Ётоқхонанинг кун ботар томонида ярим чақиримча ўзоқликда шаазарнинг деҳқон бозори, кун чиқар томонида эса шаҳар ҳаммоми, унинг ёнида қаторлашиб озиқ-овқат дўконлари жойлашган. Фарб томонида эса "карабль" номи билан аталувчи 3 та кўп қаватли иморатлар қад ростлаб турибди. Ўн беш чақиримча юришингиз билан завода бориб қоласиз. Завод транспортд спетчери ҳамма транспортларни график асосида юришини таъминлайди. Ётоқхоанмиз иккита тутр канатли бинодан иборат иккала бинони бирлаштирадиган кичкина бир қаватли қушимча бино бор, бу ерда комендантнинг хонаси ва бошқа хоналар мавжуд. Бу ердан заводида куп йил ишлаб нафақага чиққан собиқ ишчи ва хизматчиларни ҳам топа оласиз. Инсонга яшаш учун энг зарур булган газ, сув, чироқ доимий равишда берилади, уларнинг такчил бўлган вақтини эслайолмайман дейди биз билан бўлган суҳбатда №- сонли ётоқхонанинг коменданти Ражаббой Тухтаев. Шулар билан бир қаторла ётоқхонамизнинг қурилганига куп йиллар бўлгани сабабли биъзи бир сантехника трубалари эскирган, чириган, туртинчи қаватга баъзида сув ҳам чиқмай қолади. Бундай ҳолатлар заводимизнинг ишчи ва хизматчиларининг нозирликларга сабабчи бўлмоқда. Бу ерда яшовчиларнинг купчилиги қисми заводда ишлаганлиги сабали квартира, сув, газ, свет, мусол учун ҳалқларни иш жойидага бухгалтерия томонидан ойлик маошларидан ушлаб қолинади. Баъзи бирлари эса узлари нақд пул тулайдилар, кассиримиз заводнинг кассасига бу пулларни топшириб келади. Муборакдаги бошқа бир корхоналарнинг ётоқхоналарида туланадиган ҳақлар миқдор катта. Шу икки бинога кириш қисмида бир сутка давомида турадиган навбатчилар бор. Хохлаган одам хохлаган вақтида ва хохлаган жойига кириб кетаолмайди, навбатчи уқшини тухтатиб узининг кимлигини ҳужжатига асосан билиб олади кимникига ва соат нечада ўтганлигини руйхатга олади. У киши чиқиб кетаётган вақтини ҳам навбатчи ёзиб қуяди. Навбатчиларимиз шу ерда куп йиллардан бери ишлаб келишади, бу ерда яшовчиларнинг ҳаммасини ҳам улар танийдилар десам бўболага бўлмайди. Бу ерда харн эхтимолча қарши телефон уржажилган, енгин чиқиши мумкин, биров касал касол бўлиб қолиши эхтимоли бор, бепул фойдаланса булади. Бировни заводга ишга кечаси чақириб қолади, баъзан узоқ шаҳарлардаги қариндош уруғлари

кўнғироқ қилишади вахокоза. Навбатчилар керакли кишиларни телефонга чақириб беради. Навбатчи хонада диван ёки кравать йўқ, чунким улар бир сутка туришлари керак. Заводнинг ишчи ва хизматчиларининг дам олиб хордик чиқаришлари учун улар доимо телевизор куришлари мумкин, журнал ва китоб уларнинг хизматида. Ётоқхонанинг ёнгинасида майдонча бор, бу ерда улар футбол теппишадилар ва ҳар хил уйинлар уйнашадилар. Узим туғримда ҳам икки оғиз гапириб утсам деб гапини давом эттирди комендант бобо. Бир ярим йилдан бери шу ерда баҳоли қудрат меҳнат қилиб келаман. Шу ерда ишловчи ишчи ва хизматчиларни йиғиб ҳар душанба куни мажлисча ўтказамиз Ётоқхонада бир ҳафта ичида бўлган камчиллик ва ютуқларимиз туғрисида бу ерда гаплашиб оламиз. Пахта йиғим- терим пайтлари тбизлар ҳам қараб турмаймиз, Бошқа корхона ходимлари қатори бизлар ҳам оқ олтинни териб олинишига ўзимизнинг хиссамизни қушамиз. Ётоқхонамизнинг ишчилари пахта териш режаларини доимий равишда ошириб бажариб келяптилар. Шу сабабли туман хокимлигида бўлган йиғилишларда мен қизармайман, бирор марта ҳам дашном еганим йўқ. Отасига раҳмат бундай ишчиларимизнинг деб гапини тугатаётган ақетида оиласи ақида ҳам гап рибберишини сўрадик. Турмуш ўртоғим туман ҳалқ таълими бўлимида болалар боқчалари буйича нозир, угил ва қизлари уйланган ва турмушга чиққан, энг кенжатоийни яқинда уйлантирдик камчилик йўқ туқ ва фаравон яшаб келяпмиз дедилар комендант бобо.

### ЛЮДМИЛА ОШПАЗ

Қозоғистоннинг Жамбул шаҳри кўчаларининг биридаги Иванов Николаининг кичкинагина квартирасида унинг оила аъзолари, қариндошлари йиғилишган, ҳамманинг хурсандчилигидан уй бекасининг оғзи қулоғида, бугун 8-март, хотин-қизлар куни бўлса, бунинг устига учинчи фарзанд Людмила дунёга келган. Бу ерда уй эгаси йўқ холос, у киши фронтда эди. Стол атрофидагилар чақалоққа сихат-саломатлик тилаб, унинг яхши инсон бўлиб етишиши учун қадаҳлар кўтаришарди. Нариги хонадан эса чақалоқнинг инга-ингаси эшитилиб, ўтирганларга ҳузур бағишлар эди.

1946 йилда Людмила 4 ёшга тўлганда дадаси урушдан қайтиб келди. Қизалоғини кўрган отаси хурсандчилигининг чеки йўқ эди. Ўша вақтда Ивановни Олма ота шаҳрига ишга ўтказишгани сабабли оиласи билан пойтахтга кўчиб кетишди. Қизча ҳам ўша ердаги мактабларнинг бирига ўқишга борди. Оиласи кўчиб юргани учун у Қирғизистон, Қозоғистон ва Ўзбекистон Республикалари ҳудудидаги мактабларда таълим олди.

1962 йилда Кўқондаги Азизқориев номли нефт техникумига кириб, уни яхши баҳолар билан тугатди. Орадан уч йил ўтгач, 1966 йилда Владивостокка бориб у ердаги нефтбазада механик ва машинист вазифаларида ишлади, сўнгра Газлига келиб яшай бошлади. Бу ерда

Зарипов Барат (Борис) деган йигит билан ўз тақдирини боғлади. Муборакка кўчиб келишиб, савдо соҳасига ишга жойлашди. ОРС ташкилотига ишлаб юриб аста-секин разряд ҳам оша бошлади. Хўрандаларга ширин ва тўйимли овқат пишириб, хўрандаларга хушмуомала бўлгани сабабли унинг обрўйи тобора оша бошлади. Яхши ишлаганини унинг номига берилган бир қатор "Мақтов Ёрлиги" ва пул мукофотларидан ҳам билиб олиш мумкин. 1985 йилда малака ошириш учун Москвага юборилган Людмила эри билан биргаликда ўқишиб, иккаласи ҳам олтинчи разрядли ошпаз, деган гувоҳномани олишди.

Муборакнинг Кўхнашаҳар қишлоғида туғилиб, ўша қишлоқда яшовчи Қувватов Маҳаматжума ака ошпаз ҳақида қуйидагиларни билдирди: "Мен Муборакдаги ОРС ташкилотига аввал дўкон мудири, кейинчалик омбор мудири ва шу ташкилотга раҳбар бўлиб кўп йиллар ишладим. Ошпаз Людмилани яхши биламан, бу киши савдо соҳасида ишлаб хўрандаларга лағмон, палов, манти каби миллий овқатларни, европача борш, рагу, гуляш, суп, харча, бифштекс каби овқатларни ва кондитер маҳсулотларини кўлинг ўرғулсин қилиб пиширарди.

Йигирма йиллар атрофида бирга ишлашиб, бирор марта ҳам унинг сабабсиз равишда ишга чиқмаганини эслай олмайман, хўрандалардан шикоят ҳам бўлган эмас, таклиф ва шикоят дафтарида эса фақат унга раҳматлар ёзилган эди, раҳбарият томонидан берилган ҳар қандай топшириқларни аъло даражада ва ўз вақтида бажарар эди. «Союзгазпром» ва «Ўзбекисто:нпром» раҳбарлари Виктор Черномирдин ҳамда Алихон Атажановлар Муборакка келганларида улар яхши кўган таомларни тайёрлаб бериб раҳбарларимизни хурсанд қилган эди. Людмила ошпазини яхши мутахассис ва яхши инсон сифатида то ҳозиргача қадрлайман ва ҳурмат қиламан".

Қаҳрамонимиз ҳақида Муборак туман ижтимоий таъминот бўлими мудири Мухсин Азизовнинг фикрига қулоқ солайлик: Людмила Николаевна пенсия ёшига етгач, ҳужжатлари расмийлаштирилди, у кишининг меҳнат дафтарчасидаги иш фаолияти билан танишганимизда 20 йил савдо соҳасида ишлаб бир неча марта мукофатланганини кўрдик. Айниқса у кишининг одамлар билан хушмуомалалигини, гаплашганда табассум қилиб туриши унинг яхши инсон эканлигини кўрсатиб турибди. Барча пенсионерлар қатори байрамларда совға-салом, соғлиғининг мазаси йўқлигида эса республикамиздаги курорт ва дам олиш санаторийларига бепул йўлланмалар беряпмиз, бир сўз билан айтганда пенсионерларимизни моддий жиҳатдан қувватлашга ҳаракат қиляпмиз.

Муборак туман ички ишлар бўлими бошлиғининг собиқ ўринбосари, милиция майори-пенсионер Ҳайт Муҳаммадиев: Мен Людмила ошпазни 25 йиллар чамаси биламан, у киши ва турмуш ўртоғи тайёрлаган мазали овқатлардан емаган Муборак шаҳри ва туман аҳолиси ичидан топилмаса керак. Собиқ шўролар даврида савдо ходимларининг ишини ОБХСС нозирини текширар эди. Бу ошпаз устидан бирор марта ҳам шикоят тушганини эслайолмайман, у доимо

калорияли ва мазали овқатлар қилгани сабабли хўрандалар мўл бўлар эди. Эсимда, Москва ва Тошкентдаги вазирлигимиздан келган меҳмонларга бу киши мазали овқатлар қилиб уларни хурсанд қилган эди. Биз ички ишлар бўлими ходимлари Людмила ошпаздан то ҳозиргача миннатдормиз.

## МУБОРАКНИНГ ГАЗИ ҲАҚИДА

1950 йилнинг ўрталарида Муборақда биринчи газ конининг кўзи очилди. 1957-1958 йилларда қидирув пармалаш ишлари олиб борилаётган қудуқларнинг бирида авария содир бўлди. Кучли босим билан чиқаётган газ ёниб кетди. Улкан машъала 100 метрдан ҳам баландроққа кўтарилди. Бу ҳодиса геолог олимларнинг Муборақ минтақасида беҳисоб нефт ва газ конлари мавжуд деган тахминларини тўла-тўқис тасдиқлади. Шундан сўнг бу ерларда қидирув-пармалаш ишлари қизгин давом эттирилди. Пировардида, 1960 йилнинг ўрталарида «Шимолий Муборақ», «Жанубий Муборақ», ундан сал кейинроқ «Ўртабулоқ», «Зеварда», «Хавузак», «Қултоқ» каби бир нечта газ конлари очилди. Мазкур конлардан топилган газ таркибида олтингургурт водороди ва конденсат мавжуд бўлганлиги сабабли ундан халқ хўжалигида тўғридан-тўғри фойдаланиб бўлмасди. Чунки бундай газ ёнганда ўта захарли моддалар ажралиб чиқади. Энг ёмони эса, таркибида олтингургурт бўлган табиий газ оқадиган метал қувурлар ишга яроқсиз бўлиб қолади. Ана шунда газни олтингургуртдан тозалайдиган заводга эҳтиёж пайдо бўлди. Бундай завод қуриш эса катта маблағни талаб этар эди. Конлари захиралари ниҳоятда катталигини, шунингдек, олтингургурт кимё ва мудофаа саноати учун бебаҳо хомашё эканлиги ҳамда бу борада сарф этилган катта харажатлар ўрни икки, уч йил ичида қопланишини ҳисоб-китоб қилиб, исботлаб беришгач, собиқ Марказ бу таклифни жон деб қувватлади.

Умуман табиий газни олтингургуртдан тозалаш жаҳон тажрибасида кам қўлланилар эди. Ўша пайтгача бу хил газ заводи дунё бўйича асосан Францияда мавжуд эди. Муборақ газни қайта ишлаш заводини тиклаш учун керакли қурилмалар қисмлари эса Россия, Украина, Озарбайжондаги корхоналарда тайёрлаб келтирилди. Бунинг учун 200 тага яқин корхона, ташкилот, бирлашмалар, минглаб мутахассислар жалб этилди, арзон ёқилғи ва қимматбаҳо кимё хомашёсига бўлган талаб ва эҳтиёж ниҳоятда катталигидан завод қурилиши жадал суръатларда олиб борилди. Натижада 1971 йилнинг кузига келиб Муборақ газни қайта ишлаш заводида дастлабки машъала ёқилди. Ўша йил 31 декабрда эса корхона қайта ишлаш учун табиий газни қабул қилди.

Олов ихтиро қилиниши инсоният ҳаётида, башарият тарихий эволюцион тараққиётида қанчалик улкан воқеа бўлгани сингари нефт ва табиий газнинг кашф этилиши ва ҳар иккала қазилмадан фойдалана бошланиши ҳам шунчалик катта аҳамият касб этади. Ер



юзидан нефтдан саноат миқёсида фойдаланишга киришилганига чамаси 2-2,5 аср бўлган бўлса, газ саноати нисбатан навқирон соҳа ҳисобланади. Ўзбекистонда ҳам нефт қазиб олиш ва қайта ишлаш бир аср муқаддам Фарғона водийсидан бошланган. 1956 йили Бухоро вилояти ҳудудида "Жарқоқ" ва «Газли» конлари ишга туширилиши билан Ўзбекистон газ саноатига асос солинган эди. Айни маҳалда мамлакатимизда қазиб чиқарилаётган табиий газ ва нефт маҳсулотларининг 90 фоизидан ортигини Қашқадарё вилояти етказиб бермоқда. Ўзбекистон ҳудуди нефт ва газ захираларига бойлигини инobatга олсак, кейинчалик бу соҳада бошқа вилоятлар нуфузи ортиши ҳам табиий ҳолдир. Истиқлолнинг дастлабки энг оғир йилларида Ўзбекистон ёқилғи-энергетика ресурслари мустақиллигини таъминлаш ва мустаҳкамлашда қашқадарёлик, хусусан мубораклик нефтчи ва газчилар зиммасига жуда улкан вазифалар юклатилди, соҳа заҳматкашлари эл-юрт ишончини шараф билан уддаладилар.

Мамлакат нефт ва газ саноатида етакчи ўрин тутадиган Муборак газни қайта ишлаш заводи ҳамда "Муборакнефтваз" нефт ва газ конлари унитар корхонаси жамоалари ҳақиқий қаҳрамонлик намуналарини кўрсатиб меҳнат қилдилар. Жамоа вакилларида 2-киши Ўзбекистон Қаҳрамони унвони, 8 киши Ўзбекистонда хизмат кўрсатган саноат ходими унвонига сазавор бўлгани, 5 киши "Дўстлик", 3 киши «Меҳнат шухрати» орденлари, 2 киши "Шухрат" медали, 3 киши "Ўзбекистон Республикасининг фахрий ёрлиғи" билан тақдирлангани ҳам корхоналар ходимлари фидокорона меҳнат қилганлиги ҳамда бу меҳнат халқимиз ва давлатимиз раҳбарияти томонидан муносиб эътироф этилганини кўрсатиб турибди.

Ўзбекистон ўз истиқлолини қўлга киритган дастлабки кезлардаёқ мамлакат нефт ва газ мустақиллигини, янада тўлароқ айтганда ёқилғи-энергетика ресурслари мустақиллигини таъминлаш биринчи навбатда ҳал этилиши зарур масалалардан бири сифатида кун тартибига қўйилди. Шу боис Президентимиз Ислom Каримов, республика раҳбарияти, ҳукумати нефт ва газ саноатида изчил ислохотлар ўтказишга ҳамда соҳани жадаллик билан ривожлантиришга алоҳида эътибор берди. "Ўзбекистон Республикаси нефт ва газ саноатини ривожлантиришнинг 1993-2000 йилларга мўлжалланган концепцияси" ишлаб чиқилди.

Концепцияни ҳаётга татбиқ этиш, яъни мавжуд имкониятлардан фойдаланишни кенгайтириш, кучларни бир жойга тўплаш, хорижий ҳамкорлар билан ишлаш, бошқарувни осонлаштириш сингари қатор зарур омиллар туфайли 1993 йилда «Ўзбекнефтваз» нефт ва газ саноати миллий корпорацияси ташкил этилди. У 1993 йилнинг декабрь ойидан эътиборан "Ўзбекнефтваз" миллий холдинг компанияси деб юритилмоқда.

Шуни мамнуният билан таъкидлаш жоизки, ўтган қисқа давр мобайнида тармоқ меҳнаткашлари салмоғи асрларга татигулик улкан миқёсли ишларни амалга оширдилар. Халқимиз ва Президентимиз

Ислом Абдуганиевич Каримов томонидан нефт ва газ саноати ходимлари олдига қўйилган дастлабки вазифа шараф билан адо этилди. 1996 йил охирига келиб амалда мамлакатимиз нефт мустақиллигини таъминлади. Ўтган йиллар якунлари бўйича эса республикамиз қазиб олинаётган нефт маҳсулотларининг маълум бир қисмини четга экспорт қилиш имкониятига ҳам эга бўлди. Эндиликда Ўзбекистонда нефт ва газ саноати мамлакат иқтисодиётининг энг йирик тармоғига айланди.

Тармоқнинг энг йирик қисмларидан бири шубҳасиз, “Ўзгеонефт-қазибчиқариш” ҳиссадорлик компанияси ҳисобланади. Қисқа фурсатларда улкан меҳнат натижаларининг қўлга киритилишида “Муборакнефтгаз” нинг салмоғи каттадир. Ҳиссадорлик компаниясига қарашли республика ҳудудидаги барча жамоаларда қазиб чиқарилаётган жами табиий газнинг олтмиш фоиздан кўпроғи, нефт маҳсулотларининг эса саксон фоизидан ортиғи шу жамоанинг зиммасига тўғри келади. Айниқса йирик захирага эга Кўкдумалоқ нефт-газ, газ конденсати конини ўзлаштириш борасида улар ҳақиқий ватанпарварлик намуналарини кўрсатдилар. Бу ерда бир неча ўнлаб газ қудуқлари, улкан насос станциялари, нефт ва газни комплекс тайёрлаш қурилмалари барпо этилиб, энг замонавий асбоб-ускуналар билан жиҳозланди. Хусусан, АҚШнинг жаҳонга машҳур “Келлогг» фирмаси билан ҳамкорликда бунёд этилган «Кўкдумалоқ» станцияси ўзининг иш қўлаи, технологик мукамаллиги билан ноёб иншоотлардан ҳисобланади. Айни чоғда жамоа бу мураккаб қурилмаларни муваффақият билан ишлатмоқда. Зотан, бошқармада ўзбек нефти ва газчиларининг забардаст авлоди шаклланиб камол топди. Бугунги кунда жамоада ҳар бир ишни жаҳон андозалари даражасида бажараоладиган кўплаб юқори малакали мутахассислар меҳнат қилишмоқда. Меҳнат Қаҳрамонлари Жума Қурбонов, Файбулла Қобилов, Чўли Қурбонов каби фахрийлар аънанасини давом эттирган ҳолда операторлик касбини улуглаб келаётган Ўзбекистон Қаҳрамони Бўрон Рўзиев, Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган саноат ходимлари Иван Радионович Келеш, Ризо Назаров, Мадат Жумаев, “Дўстлик” ордени нишондорлари Сулаймон Бўронов, Давлат Бозоров, Людмила Шашкова, “Меҳнат шухрати” ордени соҳиби Ҳусан Бегматов сингари ўнлаб ишчи-хизматчилар нафақат жамоа бошқармаси, қолаверса бутун “Ўзбекнефтгаз” миллий холдинг компаниясининг фахри саналади.

1988 йилдан “Муборакгазқазибчиқариш” бирлашмаси яна “Муборакгаз” газ конлари бошқармаси деб юритиладиган бўлди. 1991 йилда бошқармада 22 миллиард 830 миллион куб метр газ, 970 минг тоннадан ортиқ нефт маҳсулотлари қазиб чиқарилди. “Муборакнефтгаз”га қарашли конлар асосан Қашқадарё ва Бухоро вилоятлари ҳудудларида жойлашгандир. Бу улкан, байналминал жамоада ўндан ортиқ миллатга мансуб тўрт минг нафардан зиёд ишчи-хизматчилар меҳнат қиладилар. Корхона таркибида айни пайтда 25 та кон, автоҳўжалик, механик таъмирлаш устaxonаси, кўплаб участкалар фаолият кўрсатмоқда.

## ҲАЗРАТ ГАЗЧИ

Ҳазратдан ёшлигида келажакда сен ким бўлмоқчисан, деб сўраганларида у "газчи" бўламан, деб жавоб берган экан. Шу сабабли орзусининг ижобат бўлиши учун кўлидан келган ҳамма чораларни кўрабашлади. Орзусининг амалга ошиши учун ўз устида тинмай иш олиб бориш кераклигини тушунган Ҳазрат кўшнисининг уйидаги газ плитаси бузилган вақтларида уларникига бориб тузатиб беришга ҳаракат қилар эди. Плитанинг у ер-бу ерини кавлаб, хуллас уни ишлатиш учун бор чораларини кўрар эди. Кўшнисининг отаси ёши тўқсонларни қоралаган чол ҳар сафар плитаси тузалганидан сўнг "умрингдан ва касби-корингдан барака топ", деб дуо қилиб қолган вақтлари кўп бўлган.

Ҳазрат ўрта мактабни битиргач, қишлоғидаги бошқа ўртоқлари қатори ўқишни эмас, ишни танлади. Етуклик аттестати ва паспорти билан тўғри газ идораси бошлигининг ёнига келди. Идора раҳбари билан бўлган суҳбатда унинг келажакда газчи бўлиш нияти борлигини айтгач бошлиқ: "Ҳа, ҳақиқатдан ҳам сенда шу соҳага қизиқиш бордай кўринади, майли, ишга қабул қилганим бўлсин", - деб унинг ҳужжатларини олиб қолган эди. Шу бўлдию Ҳазрат туман газ идораси ходимларининг сафига қўшилди.

Раҳбарият дастлаб уни ишда бир неча марта синаб кўрди. Пропан-бутан солинган газ баллонларини юклаш, ташиш, тушириш ва сақлаш каби масалалар бўйича имтиҳон олишган вақтларида у доимо синовдан яхши ўтар эди. Бир неча марта шундай синовлардан ўтгач, унинг мансабини бир поғона кўтаришди. Аста-секин у газ қувурларидан келадиган газ босими, қувурларнинг неча босимга чидаши, бордию авария ҳолати бўлиб қолса қандай қилиб уни бартараф этиш йўллари ҳам ўрганиб олди. 2-3 йил тинимсиз ишлаб, меҳнат таътилига ҳам чиқмади. Кеча-ю кундуз унинг ҳаёлида фақат иш эди.

Ҳазрат бир неча йил ишлаш даврида бир қанча авария ва ёнғинларни бартараф этишда ҳам иштирок этган эди. У ерда ўзининг яхши мутахассис бўлиб етишганини намоён қилди. Раҳбарият унинг хизматларини муносиб тақдирлай бошлади, у бир неча марта "Мақтов ёрлиғи", пул мукофотлари билан тақдирланди.

Ҳазрат газчининг шу соҳада ишлаганига ўттиз йиллар чамаси бўлибди, оиласи уй бекаси, тўрт ўғил, иккита қизлари бор, ўғиллари ҳали уйланмаган, қизлари эса турмушга чиққан. Катта қизи Насиба Насимова тумандаги "Муборақ ҳаёти" газетасида муҳаррир ўринбосари, иккинчи қизи Зебо ҳам турмушга чиққан, ҳозирда ёш боласи борлиги сабабли уй бекаси, ўғиллари эса эрта-индин уйланиш арафасида. Оиласи билан Муборақ шаҳрида болалари билан тинчгина яшаб ва ишлаб халқимизга хизмат қилиб келмоқда.

Ҳа, Ҳазрат Насимов ҳалол меҳнати, камтаринлиги, касбига садоқати билан эътибор қозонди. Муборақдагиларнинг кўпчилиги уни бекорга "Ҳазрат газчи" деб атамайдилар.

## ТУМАН ГАЗ ЮРИДИК ХИЗМАТИ

"Муборак ҳудудий газ таъминот" филиалига 2004 йилнинг бошидан юридик маслаҳатчи бўлиб ишга қабул қилиндим. Яъни тумангаз билан адвокатура ўртасида юридик хизмат кўрсатиш шартномаси тузилган эди. Ўзбекистон Республикасининг барча кодексларини, жумладан: Жиноят, Жиноят Процессуал, Фуқаролик, Фуқаролик процессуал, Солиқ, Меҳнат, Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги, Хўжалик процессуал, Оила, Ер Кодекси каби китобларни сотиб олиш учун маблағ ажратишини сўраб директорга билдирги билан чиқдим. Раҳбарнинг визаси билан ижро учун бош бухгалтерга берилди. Аммо ҳозиргача на пулдан, на китобдан дарак бор...

Шу орада енгил саноат ва коммунал хизмат кўрсатиш Марказий кўмитасининг Кашқадарё вилояти бўйича вакили И.Аҳмедовнинг алоқа хати келди. Бу хатда филиалимизда хизмат қилаётган Искандаров Абдужалилнинг арзи кўрсатилган экан. У доимий равишда ишга чиқмай юргани учун тумангаз раҳбарининг 2004 йил 19 февралдаги 13-сонли буйруғига кўра "хайфсан" эълон қилинганини, кейинчалик эса яна шу ҳолат гакрорланган учун 20 фоиз жарима ҳам қилингани маълум бўлди. Сўнгра маъмурият касаба кўмитасига хат ёзиб, Искандаровни ишдан бўшатишга розилик беришни сўраган экан. Кейинчалик у эғаллаб турган вазифасидан озод этилган эди. Тумангаз маъмурияти буйруғидан норози бўлган Абдужалил туман адвокатурасига учраб, амалий ёрдам беришларини сўраганида адвокат Назира Рўзиева Тошкентга ариза ёзиб берган экан. Искандаровнинг бир неча шикоятни кўп марта текширилди, лекин у қонуний ишдан бўшатишга ишдан судга муружаат этиша олмади. Кейинчалик адвокатининг тўғри тушунтиргани учун Искандаров шикоят ёзишга чек қўйди.

Иш режада директорга имзолатиш учун тақдим қилинаётган буйруқлар лойиҳаларининг қонунийлигини текшириб виза қўйиб бериш назарда тутилган боис уларни доимий равишда назорат қилиб келмоқдаман, баъзи бир йўл қўйилган камчиликлар ўз вақтида ва жойида тузатилмоқда. Ходимлар нозирига амалий ёрдам бериб келмоқдаман.

Бундан ташқари Муборак туман ҳокимлигининг "Муборак ҳаёти" газетаси саҳифаларида ҳуқуқий мавзуларда мақолаларим чоп этилиб турибди. Иш режанинг кейинги моддасида филиал бўйича тузилган шартномаларнинг қонунийлигини ва унинг ижросини назорат қилиш мўлжалланган эди. 2004 йилнинг бошида филиалимиз ходимлари томонидан 45 та шартнома тузилган экан, бу шартномалар асосан газ сотиш ҳақида бўлиб, у ердаги баъзи бир камчиликларни аниқлаб, уларни тузатиш чораларини кўрдим.

Иш режада ҳуқуқий масалалар бўйича ишчи ва хизматчиларни жадвал асосида қабул қилиш кўзда тутилган эди. Ҳафтада икки кун

қатъий жадвалга кўра қабул қиламан, тумангаз филиалининг баъзи бир ишчи ёки хизматчилари мени нафақат тумангаз юридик маслаҳатчиси, балки туман адвокати сифатида ҳам ёнимга келишиб ўзларининг муаммоларини айтишадилар. Қабул учун мен алоҳида дафтар юргизганман. Мендан олган жавобдан қаноатланганч, ўз имзолари билан тасдиқлаб кетадилар. Мурожаатлар асосан меҳмон қонунчилиги, оилавий келишмовчиликлар, алимент тўлаш каби масалалар бўйича бўлиб, ҳар қабул куни 1-2 киши келиб ўзларини кизиқтирган саволларга жавоб олиб кетади.

### **ЦЕХ БОШЛИГИ**

Фарид Бухоро вилояти, Олот тумани Калинин номли хўжалик худудидаги қишлоқларнинг бирида таваллуд топган. У туғилган куни Аминбобонинг уйида тўй бўлиб кетган. Қариндош-уруғлар, ёру дўстлар, биродарлари, қишлоқдошлари, муллабобо, оқсоқоллар ҳамда хотин-қизлар йиғилган эди. Улар Амин бобони уйдаги янги меҳмон билан табриклади ва қутладилар.

Ҳовлидаги икки уй тўла одам, хоналарнинг бирида эркаклар, иккинчисида эса аёллар ўтиришибдилар. Бу уйларда гурунг, чақ-чақ авжига чиққан. Уларнинг ҳаммалари янги туғилган чақалоқ шаънига яхши гапларни айтишар эди. Бири бу боланинг умри узоқ бўлсин деса, иккинчиси ўқимишли, одобли ва элига, халқимизга хизмат қиладиган бўлсин дерди. Хуллас калом янги меҳмон шарафига ўтирганлар яхши истак билдирдилар.

Гап айланиб чақалоққа исм қўйишга келди. Ўша ерда ўтирган муллабобо ўтирганларга қарата деди: Мен ҳозир Амин бободан ўғлига исм қўйганми ёки йўқлигини сўраганимда у киши оиласини кечагина туғруқхонадан олиб келганлигини, болага ҳали исм қўйилмаганини билдирди. Шу сабабли менда бир таклиф бор, чақалоққа ҳозир шу ерда исм қўйсак ва уни бугундан бошлаб Фарид деб атасак, деганида ўтирганларнинг ҳаммалари у кишини қўллаб-қувватлаган эди. Шундан сўнг муллабобо дуога қўл очиб, туғилган чақалоқнинг катта йигит бўлишини, болалари кўп, элига ва халқига хизмат қиладиган одам бўлсин, деб дуо қилди, ўтирганларнинг барчаси қўл кўтариб қўшилдилар.

Вақтни оқар сувга тенглаштирадилар. Кунлар кетидан кунлар, ҳафталар, ойлар ва йиллар ўтабошлади.

Муборак индустриал техникумига ўқишга ҳужжат топширди. Имтиҳонлардан ўтган эди, лекин мандат пайти балл етмади. Кейинчалик ушбу сатрлар муаллифининг ёдами билан техникумнинг кечки бўлимига ўқишга жойлашган эди. Тушликка ўтирган вақтида почтачи аёл унга бир хат берди. Очиб ўқиса, ўрта мактабда бир партада бирга ўтириб катта бўлган синфдоши Раънодан келган экан. У ўзининг мактубида қишлоғидаги содир бўлган ҳамма янгиликларни ёзиб, охирида "кеча онангиз бизларникига совчи бўлиб келди, онам, опам ва бошқа қариндошларимиз рози бўлдилар, сиз келсангиз фотиҳа тўйимиз бўлар экан», деган жумлаларни қайта-қайта ўқиб ўзида йўқ хурсанд бўлиб кетди.

Хатда улар меъдан сўрагач, розилик билдирдим, дейилган экан. Хатнинг охири сизни қутаман, деган сўзлар билан тамомланган эди.

Орадан икки кун ўтгач кўйлагининг кистасидаги хатга кўзи тушиб қолган Беҳбуд акага хатнинг мазмунини айтиб берди. Тоғаси ҳам бу гаплардан хабари борлигини айтиб, ўқишни тамомлагин, тўйларинг бўлади, деб қўллаб-қувватлаб қўйди.

Беҳбит ака Жўмаев дурадгор.

Икки йил ўтиб Муборак техникумининг газ соҳаси бўйича таҳсил олиб мутахассис бўлди. Дипломини олган куйи Муборак газни қайта ишлаш заводининг раҳбари ҳузурига борди, Директор Рустамов Барака Ҳалимович ёш кадр билан анча вақт суҳбат қилгач, унинг қўлидаги йўлланмаси, ишлаш хоҳиши ва қизиқишини сезиб уни кислород цехига ишга олди. Вақт ўтабошлади! Оилалик бўлиб олган Фарид фақат ишни ўйлаб, билмаганлариңи бош муҳандис ва директордан тортинмасдан сўрарди. Иши юришиб кетди. Рўзғор ташвишлари ҳам орта борди, оиласида бирин-кетин болалар пайдо бўла бошлади.

Бухорога ота-онасини кўргани борганида отаси "Ўғлим, худога шукур, ўқиб, уйланиб олдинг, энди навбат укангга, унинг ўқиши ва уйланишига сен ёрдам беришинг керак", -деб қолди.

Отасининг васиятига қўлоқ солиб, укасини уйлантирди, ўқитди. Қўлидан келган ёрдамини ундан аямади.

Айни вақтда Фарид Аминов Муборак газни қайта ишлаш заводида кислород цехининг бошлиғи. Раъно билан тинч-тотув яшаб, беш нафар болалар тарбияси билан шугулланиб келмоқда. Уларни замона руҳига мослаштириб тарбияламоқда. Насиб бўлса, уларнинг фарзандлари ҳам ота-онаси каби яхши инсонлар бўлиб етишадилар, бунинг учун Фарид ва Раъно қўлидан келган барча чораларни кўришга тайёрдир ва улар бор имкониятларини ишга солишлари аниқ.

## МУНДАРИЖА

Нурга интилган юрак А Юлдошев.....	3
Қизилқарвон.....	4
Ёшлик-бебошлик.....	6
Суд китоби.....	7
Зилзила.....	8
Учрашув.....	9
Хотин алмаштириш.....	11
От ўрнини той босар.....	11
Адолатга талпинган қалб.....	13
Отам билан фахрланаман.....	15
Автоулов ҳалокати.....	18
Хукм масъулияти.....	19
Хорижлик жиноятчи.....	19
Мақтов ёрликлари.....	21
Хинд қизим.....	23
Садан полвон.....	27
Қомусимиз мустақиллигимиз гарови.....	28
Ҳайит раис.....	30
Ҳамкасб.....	32
Муҳиддин дўхтир.....	34
Сарвзара.....	35
Савобталаб бобо.....	37
Людмила ошпаз.....	38
Муборакнинг гази ҳақида.....	40
Ҳазрат газчи.....	43
Туман газ юридик хизмати.....	44
Цех бошлиғи.....	45

**АБАДИЙ БАДИИЙ НАШР**

**Нарзулла Ботиров**

**АДОЛАТГА ТАЛПИНГАН ҚАЛБ**

**Ҳаётий лавҳалар**

*Мухаррир: М. Муродов*  
*Техник муҳаррир: Самандар Мусаев.*  
*Мусахҳиҳ: Мусо Тўлаганов*  
*Компьютерчи: Алиёр Муродов*

**ИБ № 0865**

Теришга 2.05.2005 йилда берилди. Босишга 18.05.2005 йилда рухсат этилди. Бичими 84x108  $\frac{1}{16}$ . Газета қоғози. Офсет усулида чоп этилди. Шартли босма табоғи 3,03 Шартли бўёқ-оттиск 3,4 Нашр босма табоғи 3,0. 500 нусхада. 117 -2004 -шартнома. № 2075-бурютма. Эркин нарҳда.

**“Насаф” нашриёти, 730018, Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.**

„Графика“ МЧЖ графика корхонасида чоп этилди. 730018,  
Қарши шаҳри, Мустақиллик шоҳ кўчаси, 22-уй.